

М. Каримова, Д. Охунова

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ АҲЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



ФАРҒОНА 2018

п.ф.н. М. Каримова, ўқитувчи Д. Охунова

“Талабаларнинг маънавий ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг педагогик асослари”

Фарғона, 2018, 95 бет.

Талабаларнинг маънавий – ахлоқий сифатларини шакллантириш учун мўлжалланган мазкур ўқув услубий кўрсатмада шахс маънавияти, маънавий – ахлоқий сифатлар тушунчаси, ахлоқ тарбияси ва унинг асосий омиллари, глобаллашув жараёнида таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар бўйича фикрлар билдирилган. Ушбу ўқув услубий кўрсатмадан дарс жараёнида, ахборот соатларида ва дарсдан ташқари (талабалар ва ота–оналар билан) ўтказиладиган суҳбатларда фойдаланиш мумкин.

Тақризчилар:

п. ф. н., доц. Н.М.Ўринова

ФарПИ катта ўқитувчиси Н. Олтмишева

Ушбу ўқув услубий кўрсатма Фарғона давлат университети кенгашининг 2018 йил 30 май № 10 –сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Педагогика кафедраси

**“ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ АҲЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ”**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

ФАРҒОНА 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ АҲЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Шахс маънавияти тушунчаси.....	9
1.2. Ахлоқ тарбияси ва унинг асосий омиллари.....	24
II БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР	32
2.1.Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар.....	32
2.2. Алоқий тарбияни амалга ошириш усуллари.....	63
Хулоса ва тавсиялар :	79
Глоссарий	85
Фойдаланилган адабиётлар	87

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олиниши, шунингдек, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ғояси ва талаблари асосида жаҳон талабларига мувофиқ келувчи, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Бу йўналишда амалга ошириладиган муҳим тадбирлар қаторида талабаларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, бой миллий мерос, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб, вояга етказиш вазифалари белгиланган. Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурни амалга ошириш натижаси шахсни эркин, айти пайтда масъул қилиб шакллантиришда ўқув-тарбиявий жараёнининг мўлжали бўлиши лозим. Бошқача айтганда инсон бизнинг жамиятимизда ўз қобилиятларини, ўзининг таълим ва касб йўлини эркин танлашни амалга ошира олишини, турли маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондиришини, айти пайтда ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга кўмаклашган ҳолда жамият қонунларига риоя этиб масъуллигини тўлиқ ҳис этиши лозим.

Маълумки, ота-боболаримиз азал-азалдан инсон тарбияси масалаларига жиддий эътибор бериб келишган ва бу анъана авлоддан -авлодга кучиб,

такомиллашиб, янгича усуллар эвазига бойиб борган. Зотан, инсон маънавияти тарбияга боғлиқ. Тарбиясиз маънавият пойдеворсиз бинога ўхшаб омонатлик касб этадики, бу холни шарҳлаб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шу боисдан-да, таълим-тарбия жараёнига барча давлатда кучли эҳтиёж сезилган. Маънавий баркамол, комил инсон тарбияси ҳозирги куннинг энг муҳим, долзарб масалаларидан биридир.

Шу сабабли жамият ривожланишининг ҳар бир маданий-тарихий босқичига ўз таълим тизими, халққа эса – ўз тарбия тизими ҳосдир. Тарбия – жамиятга тўлақонли шахсни беришга қодир бўлган асосий куч.. Тарбия жараёнида шахснинг камол топиши, ўз шахсиятини белгилаши ва янги фазилатларнинг шаклланиши юз беради. Тарбия – шахснинг ўзини ўзи камолотга етказиш қобилиятини шакллантириш узоқ давом этадиган жараёндир. Инсон бешиқдан қабргача тарбияланади. Тарбиявий таъсир кучи инсоннинг ёши, ижтимоий ҳолатига қараб ўзгаради. Маънавий – ахлоқий тарбиянинг моҳияти жамиятга уйғун қўшилишга қодир бўлган шахсни вояга етказишдан иборатдир.

Турли тарихий шароитларда таълим янги ижтимоий тасаввурлар ва ўтган авлодларнинг қарашлари ўртасида боғловчи омил сифатида амал қилади. Таълимнинг бош вазифаларидан бири ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳисобланади. Мустақил ҳаётга тайёрлашнинг моҳияти жамиятда қабул қилинган турмуш тарзини шакллантириш, фаолиятнинг турли хил шаклларини ўзлаштириш, ижод учун инсоннинг маънавий салоҳиятини юксалтириш ҳамда маънавий – ахлоқий сифатлари билан белгиланади.

Таълим – инсонни фан ва маданият дунёсига киритишнинг самарали усуллари билан бири. Айнан таълим жараёнида инсоннинг маънавий – ахлоқий сифатлари шаклланади. Таълим – аждодлар тўплаган билим ва маданий қадриятларни авлодларга бериш жараёни. Таълимнинг мазмуни маданият ва фан меросидан, шунингдек инсон ҳаёти ва амалиётидан тўлдирилади. Яъни таълим ижтимоий ва маданий феномен ҳисобланади. Шу туфайли ҳам

таълим айрим соҳалар (иқтисодиёт, сиёсат, маданият) ва бутун жамият ривожланишининг муҳим омилига айланади.

Ҳар қандай фаннинг тарбиявий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-гуманитар, эколог салоҳиятини, инсонпарварлик хусусиятлари ва мазмунини очиб кўрсатиш, бунда жаҳоншумул илмий-техника кашфиётлари, машҳур олимларнинг ҳаёти ва фаолиятдан фойдаланиш мумкин (масалан, А. Сахаров, Ҳ.Абдуллаев, И.Мўминов, О.Шарафиддинов ва бошқалар).

Маънавият-бу кишини, эгаллаган фойдали билимлари (билим туридан қатъий назар), унинг ҳаётида такрорланавериши натижасида, кўникма ва малака босқичларидан ўтиб руҳига сингиб, унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган босқичдаги ижобий ижтимоий сифатлардир. Демак маънавият асосини билим ташкил қилар экан, билим турларига мос равишда маънавият турларини санаб чиқсак бўлади. Буларга диний маънавият, ахлоқ ва одоб маънавияти, дунёни илмий билиш маънавияти, техник маънавият, касбий маънавият ва бошқалар киради. Ахлоқ ва одоб маънавияти инсон ижтимоий моҳиятини энг устки қаватини яъни, қобиғини ташкил қилгани учун, баъзилар маънавият деганда, кишининг ахлоқ ва одобга оид билимларини унинг ҳаёт тарзида акс этиши деб тушунишади. Бу маънавиятни тор маънода тушунишдир.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти, бир жиҳатдан, жамият моддий ҳаётининг инъикоси бўлса, бошқа жиҳатдан, у ўзига хос қонуниятларга, хусусиятларга, моҳиятга эга бўлган нисбий мустақил ҳодисадир. Маънавий ҳаётнинг раванқ топиши ёки инқирозга юз тутиши моддий ҳаётнинг раванқ топиши ёки инқирозга юз тутишига олиб келади. Жамиятнинг маънавий ҳаёти маънавий ишлаб чиқариш орқали юзага келади. Бошқача айтганда, у маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсулидир.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида маънавият атамасига шундай таъриф берилади: маънавиятнинг асосида “маъно” сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламига унинг бўй-

басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва бошқалар киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавийдир. Озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, маънавий унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Маънавий қанчалик бойиб бўлса, жамият ва миллат шунчалик равақ топади.

Ҳозирги замон таълим-тарбия концепцияси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у юксак умуминсоний кадрлар асосида тараққий топиб бормоқда. Бу “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги қонунда кўрсатиб берилган. Ушбу қонунлар миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган. Юксак умумий, касб-хунар маданиятига ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқлол вазифаларини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Маънавий ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олади. Бу гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахснинг шаклланиш жараёни қандай мураккаб бўлсада, шахс маънавий камолотини ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилаверади.

Маънавий ана шу ўзаро муносабатлар ва таъсирлар асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир беради

ва ниманидир қабул қилади. Шундай қилиб маънавият ривожланишидаги таъсир ва акс таъсир қонунияти мавжуд бўлиб, маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

I БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ АҲЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Шахс маънавияти тушунчаси

Шахс моҳиятига кўра, маданийлашган, онг, ақл орқали фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлган, ижтимоий-тарихий анъана, турмуш тарзи ва тажрибага асосланган муайян авлоднинг вакили. Шарқда, у юксак ахлоқий-маънавий меъёрлар орқали тушунилган ва олий ҳилқат, бебаҳо қадрият деб ҳисобланган. Инсон шахс сифатида комилликка интилади, ҳаёт мазмунини бойитади, шу асосда кишилик жамиятининг гўзал ва фаровон бўлишига эҳтиёж сезади. Шахс – биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олиншидир.

Шахс – маданийлашган жонзот; ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлган муайян давр авлодининг вакили; инсонлараро муносабатлар субъекти.

Шахс - одамнинг ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол хатти-ҳаракати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимида қўшилишининг маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни ҳам ифодалайди.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, ўқувчи шахсини ҳар томонлама тарбиялашда “Шахс” тушунчасига унинг атроф-муҳитга муносабатни билдирадиган ижтимоий-руҳий сифатларининг ички муайян яхлитлигини билишимиз зарур экан. Шахс бўлиш дегани, биринчи навбатда, ўзининг ички қадриятлар дунёсини шакллантиришни, теварак-атрофга, энг аввало, ижтимоий ҳодисаларни англаш, унинг моҳиятини тушуниш орқали қадриятий-танқидий муносабатга эга бўлишни билдиради¹.

Бугунги кунда талабаларни шахс сифатида камол топишида, айниқса уларда маънавий – ахлоқий сифатларни шаклланишида таълим муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Зеро, “Таълим – имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатбардошликнинг кучайиши ва ютуқлар кўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди”.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Демократик жамиятда шахс ижтимоий фаоллиги ўз-ўзидан юзага келмайди, балки мунтазам тарзда мақсадли равишда олиб борилган педагогик фаолият натижасида шакллантирилади. Таълим мақсади — ҳар бир шахс, жамиятни ривожлантириш ва глобал миқёсда моддий, маданий, маънавий қадриятларни сақлаш ҳамда ривожлантиришдир. Мустақил ва эркин фикрловчи шахсни, ватанпарварлик, мустақиллик ва демократия ғояларига содиқ фуқаро, малакали мутахассисни шакллантириш учун шарт-шароитни таъминлаш талаб этилади.

Таълимда ўзига хосликни ҳисобга олиш ҳар бир шахснинг имкон қадар юқори ривожланиш имкониятларини очиш, маънавий ўзига хослигининг бетакрор ва бебаҳолигини тан олишдан келиб чиққан ҳолда ривожланиш шарт-шароитларини яратишни билдиради. Таълимга индивидуал ёндошув

¹ Н.Толипова. Социология. Маърузалар матни. Тошкент, 2009, 98-бет

орқали биз уларнинг маънавий – ахлоқий сифатларини, яъни ҳар бир талабани бошқалари билан эмас, битта ва айнан ўша шахсни унинг ўз хаёт йўлидаги турли босқичларида қиёслашни талаб қилади. Ўзига хосликни намоён этиш, унинг тикланиши ва ривожланиши учун оқилона шарт-шароит яратиш — таълимнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Талабалар ўртасида биргаликда ҳаракатланиш, ҳамкорлик, бағрикенглик, ўзаро ёрдамга асосланган муносабатларни шакллантириш маънавий – ахлоқий сифатлардан бири ҳисобланади. Ўқитувчи талабаларга нисбатан меҳр ва ишонч билан ёндошса, талабалар эса ўз қобилиятлари ва қизиқишларини амалда қўллашда эркин бўлган фаолият юзага келганда ўзаро тушунишга эришилади. Ўқитувчи талабаларнинг ҳар қандай вазиятда, ўқиш ёки ҳаётий масалаларига оид қийин вазифаларни ҳал этишда чин дўстга айланиши зарур. Талабаларда маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантиришда дастлаб маънавий тарбияга эътибор қаратиш керак.

Маънавий тарбиялаш қадим замонлардан бери муҳим ҳисобланади. У мазкур жамиятда шаклланган ва тан олинган меъёрлар ва қоидаларга бўйсунди. Инсон уларни болалиқдан ўзлаштириши унинг ҳаёт фаолияти муҳитидаги хулқ-атворини ва ўзини тутишини белгилайди. Инсонда айнан маънавий ўзак конкрет жамиятда яшаш ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун унга зарур бўлган муҳим ижтимоий асос ҳисобланади.

Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасавури ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади экан, шу маънода, оила - ҳақиқий маънавият ўчоғи, тарбия омили ва соғлом муҳит ўчоғидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Оиладаги умумий соғлом муҳит, меҳр-муҳаббат, оқибат, ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлилик, ота-онанинг билим савияси, иймон-эътиқодлилиги, дунёвий ва диний илм-маърифатдан хабардорлиги, етакчи ғоянинг қаёққа

йўналганлиги, моддий ва маънавий бойликка муносабати ҳамда шу каби шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир.

Ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, жамият ва оилада тутган ўрнига, билимига, маънавий, маданий савиясига боғлиқ. Оила мустаҳкам, тинч бўлса, жамият барқарор бўлади. Шунингдек, оилада тарбияланаётган фарзандларнинг ҳар томонлама камол топишида оиладаги маънавий соғлом муҳит бевосита ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ахлоқий принциплар, меъёрлар ва қоидаларда давлат, жамият ижтимоий-педагогик кадриятлар, идеалларни, инсонни тарбиялашга қўйиладиган талабларни белгилайди. Маънавий тарбия ижтимоий- педагогик жиҳатни ўз ичига олади, у ижтимоий тарбиянинг муҳим йўналиши – субъектларни жамиятда яшашга тайёрлашнинг мазмунига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг миллий-маънавий асослари миллий маънавий тарбия, бу икки муқаддас омилни ҳамоҳанг равишда ташкил этишнинг модели ва механизмларини таълим-тарбия муассасаларининг мутасадди ходимлари, педагоглар, мураббийлар, талабалар ва ота-оналар қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётгани мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Шу нуқтайи назардан қараганда, “Таълим тўғрисида” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” жамият тараққиётининг ҳозирги ва келажаги йўлида ўзликни англаш, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросини англаб етиш ва илмий асосларини ўрганишни долзарб қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов “Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа²” эканлигини ҳаётий мисоллар орқали атрофлича

² Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш– энг олий саодатдир– Т.. Ўзбекистон, 2015.267- б.

асослаб берди. “Юксак маънавият– енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасини давлат арбоби, сиёсатчи ва олим сифатида таҳлил қилиб берганлар ва буни педагог ходимлар, узлуксиз таълим тизимида ёшларга инсон, миллат, давлатнинг барқарорлиги, тараққиётга эришиш ва бу йўлдаги қийинчиликларни енгилмакда энг хал қилувчи куч ва таянч нуқта юксак маънавият, айни пайтда юксак маънавият- енгилмас куч, жамият тараққиётининг асосий воситаларидан бири ва инсон камолотининг йўлчи юлдузи таъкидланади.

Ёшларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда миллий тарбия модулини яратиш, талаба- ёшларда маънавий таъминланганликни шакллантириш ҳамда инсон манфаатларининг халқ, миллат, давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлигини таъминлашни, маънавият инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаи эканлигини, маънавий тикланиш ҳамда юксалишда, албатта, мустақилликнинг зарурлигини, маънавиятимизга ҳар қандай таҳдид ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид эканлигини, ушбу таҳдидларга қарши курашишга доимо хушёр туриш зарурлигини, маънавий баркамол, ғоявий курашчан инсон Ватанимиз тараққиётининг пойдевори таъкидлаб ўтилган.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил-бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқлиги, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган.”Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади.

Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”³. Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлар бири ҳисобланади. Чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққиёт этади.

Таълим, айниқса олий таълим маданият билан узвий боғлиқ. Таълим хизматларига бўлган талаб маданият даражаси билан бевосита боғлиқ, бунда маданият даражаси қанча юқори бўлса, янги билимлар ва қўшимча таълимга эҳтиёж шунча кучли бўлади. Маданий даражанинг ўсишига мувофиқ равишда истеъмолчи ўзининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга онгли равишда йўналтирувчи бюджетдаги харажатлар улуши ҳам кўпайиб боради. Шундай қилиб, таълимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий моҳияти мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Бунда таълимнинг иқтисодий табиати инсонда таълим капитали шаклланишида намоён бўлади. Бу капитал унга келажакда ўз меҳнатини яхши пулга сотиш, жамиятга эса меҳнат унумдорлигини ошириш ва кишиларнинг билим ва кўникмаларидан фойдаланиш ҳисобига янада кўпроқ маҳсулот олиш имкониятини беради. Таълим иқтисодий моҳиятининг мазкур талқини у инвестицион товар сифатида тушунилишига зид келмайди, чунки у келажакда ўзини оқлайдиган қўйилмаларни талаб қилади.

Таълимнинг ижтимоий моҳияти одамларда ижтимоий ўзаро алоқа кўникмалари тарбияланишида, шахснинг самарали ижтимоийлашувида,

³ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т.Маънавият. 2008 й. 4 бет.

Ўз мақсадларига жамият мақсадларига зиён етказмасдан эришиш, индивидуал, коллектив ва жамоат манфаатларини мувофиқлаштириш кўникмалари шакллантирилишида намоён бўлади. Ниҳоят, таълимнинг маданий моҳияти шахс ва жамият маънавий қадриятларининг шаклланишида, кишиларда ҳаёт фаолиятининг маънавий принциплари, маънавий позиция ривожланишида намоён бўлади.

“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” – деб таъкидалайди И.Кариимов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч асарида”⁴. “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”⁵.

Шунингдек, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган сўзлари ҳозирги вақтда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим омил – бу таълим-тарбия тизими. Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Демак, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, яъни халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун

⁴ И.Кариимов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 62-б.

⁵ И.Кариимов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 61-б.

кандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур.

Мамлакатимизнинг куч-қудрати манбаи ҳам унинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидадир. Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир.

Халқимизнинг маънавий меросини, руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш-Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун ва инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

Мамлакатимизнинг куч-қудрати манбаи ҳам унинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидадир. Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Инсон ўз-ўзидан маънавий баркамол шахсга айланиши мумкин эмас. У болалигида ўзининг ижтимоий камол топишига кўмаклашган шахслар ёрдамига муҳтож бўлади. Бу одамлар (мураббийлар)нинг ахлоқий позицияси вояга етаётган инсоннинг ижтимоий камол топишини кўп жиҳатдан белгилайди..

Халқимизнинг маънавий меросини, руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш-Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун ва инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Инсон—табиат ва жамиятни безатувчи, белгиловчи, асровчи, такомиллаштирувчи қудратли куч сифатида инсоният тақдирида намоён бўлади. Шу боис инсон омили унинг камолоти, азалдан муҳим аҳамият касб этиб келган.



Маънавият инсоннинг қон-қонига, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатда, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, уни янада кучайтиради. Буни Ўрта асрларда яратилган таълимий – ахлоқий асарлар мисолида кўришимиз мумкин.

Ўрта асрлар (VII –XIV) педагогик фикрлар тарихида муносиб ўрин олган шарқ алломалари ва мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир ғоялари Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Муслиҳиддин Саъдийнинг “Тулистон”, Унсурул Маолий Кайковуснинг

“Қобуснома”, Жалолиддин Даванийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Имом Исмоил Бухорийнинг “Жомеъ-ас саҳиҳ”, “Ал-адаб-ал-муфрат”, Ат- Термизийнинг “Суннан”, Форобийнинг “Донолик жавоҳири”, “Фозил шаҳар аҳли”, “Бахт саодатга эришиш ҳақида трактат”, Абу Райхон Берунийнинг “Ўтмиш авлодлар хотираси”, “Жавоҳирларни ўрганиш учун маълумотлар тўплами”, “Ҳиндистон”, Абу Али Ибн Синонинг “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Донишнома”, “Билимлар хазинаси, “Этика ҳақида трактат” каби асарларда ўз ифодасини топган.

Бу ҳақида республикаимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев қуйидаги фикрлари ўринлидир. “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин”⁶.

Ўрта асрлардаги педагогик фикрлар уйғониш даврида янада ривожланди. Ўрта Осиёда уйғониш даври икки даврни – IX-XII асрлар ҳамда XIV-XV асрларни ўз ичига олади. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган, фундаментал илмий кашфиётлар яратилган бу маънавий-маданий юксалиш даврида кўплаб мутафаккирлар етишиб чиқди.

Шарқ Уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, рухий

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Ватанпарвар” газетаси 2017 й. 29 декабрь сони №52(2751)

камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Жаҳон цивилизацияси ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Шарқ алломалари бир қатор фанлар, жумладан педагогиканинг ҳам кўп томонларини, ҳам чуқур асосли ишлаб чиққан. Жамиятда инсон омили ҳар доим ҳал қилувчи ўрин эгаллагани туфайли буюк олим ва мутафаккирлар ижодида, панд-насиҳатларида инсонни тарбиялаш, комил инсон бўлиш ғояси асосий ғоя сифатида ифода этилган, ахлоқ-одоб меъёри ҳисобланган.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари ижодининг асосий йўналиши инсон ва инсоншунослик ғояси билан суғорилган қарашлари, маънавий-маърифий соҳадаги фикрлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар ижодида таълим-тарбия масалалари кенг ўрин эгаллаган

Бу ҳақда 2014 йил 15 -16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги ўтказилган халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг сўзлаган нутқида таъкидланганидек, “...ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу – бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир”⁷ - деган фикрлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода педагогик меросимиз талабаларнинг маънавий – ахлоқий сифатларини шакллантиришда асосий омиллардан бири бўла олади.

Ўрта асрларда соф педагогик асарлар яратилиб, таълим-тарбияда инсон такомилининг хусусий ва умумий методлари ҳақида ўлмас таълимоти билан ном қолдирган тарбияшунос олимлар майдонга чиқди.

1 Каримов И.А. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2014 йил, 16 май..

Ўрта асрларда ўлкамизда кўплаб илм ва маънавий масканлари фаолият кўрсатган.

Ушбу марказларда жуда кўплаб олим ва уламолар ижод қилган, халқнинг маърифатини кўтарган. Масалан, бухоролик олимлар сони ҳақида Наршахийнинг шундай гаплари бор: “Агар Бухоро олимларининг ҳаммасини зикр қилсак, бир нечта дафтарни ташкил этади”⁸ Мазкур маълумот ушбу ҳудудда илмий фаолият тизимининг ўша даврда яхши йўлга қўйилганлигини англатади.

Ўрта асрларда моддий ва маънавий соҳалардаги кўплаб ўта муҳим янгиликларни вужудга келтирди. Бу даврда дастлаб, икки тамойил: умуминсоний бирлик ва шахснинг маънавий мустақиллиги муҳим аҳамият касб етган. Бу тамойилга асосан, маънавий -маърифий соҳада асосий масала инсон такомили муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган

Шарқ ренесанси деб номланган “Уйғониш даври” инсониятга етук ақл-заковат эгалари, инсонпарвар мутафаккирларни етказиб берганлиги билан ҳам кишилик тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу даврда яшаган мутафаккирларнинг инсоний камолот, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб ҳақидаги эзгу-қарашлари асрлар давомида ёшларни баркамолликка ундовчи олий кадрият сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Биз гуруҳларнинг ахборот соатларини ўтишда куйидаги Шарқ мутафаккирларининг таълимий – ахлоқий асарларидан фойдаланишимиз мумкин. Жумладан, Аҳмад Югнакий ўзининг инсонни камолга етказиш ҳақидаги қарашлари билан педагогик фикр тараққиётида ўз ўрнига эга. У инсон камолоти учун муҳим бўлган ақлий ва ахлоқий қоида ва талабларни ўзида мужассамлаштирган “Ҳибатул-ҳақойиқ” асарида комил инсонни шакллантиришнинг ўзига хос тизимини яратди. Бунда у инсонни камолга

⁸ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 90.

етказишнинг энг муҳим ва асосий мезонларидан бири – инсоннинг билимга эга бўлиши, яъни унга ақлий тарбия бериш деб билди.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойиқ” асари халқни, айниқса, ёшларни маънавий камолотга йўллайди, ижтимоий ҳаётдаги кишилар ўртасидаги зиддиятларни аҳиллик, саховат, яхшилик билан ҳал этиб, очкўзлик, бахиллик, жаҳолатни илм-маърифат билан бартараф этишни даъват этади. Асардаги маърифий-тарбиявий масалалар юксак бадий маҳорат билан ифодаланганлиги учун ҳам бу асар неча асрлардан буён ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Жалолоддин Румий Куръон карим оятлари ва ҳадисларидан фойдаланиб, ўзининг “Ичингдаги ичингдадур” асарида: “Одамлар кўп ҳолларда кўзга кўринган ташқи белгилар, сурат шаклларга қараб ҳукм чиқарадилар. Сийрат ва моҳиятни англашга ожизлик қиладилар, шунда улар одатлар, маросимлар, ақидаларга ёпишиб оладилар; мазҳаббозлик, тарафкашлик билан шуғулланадилар ва буларга кўникиб қоладилар. Ҳолбуки, Илоҳ талабгори булардан юқорига кўтарилиши лозим дейди, у. Румий дарвешлар, сўфийларни ана шундай одамлар қаторига қўшади. Моҳиятни идрок этмай тавҳид сирини, иймон нурини эгаллаш, илм-маърифат қозониш мумкин эмас⁹” деб таъкидлайди-файласуф. Румий назокат, мулойимлик, латофат сўзларига алоҳида эътибор қаратиб, руҳ тушунчасига қиёсий хусусиятларни қуйидагича беради: руҳ латиф ва мулойим, жисм эса қаттиқ ва дағал. “Руҳ шундай бир латифадирки, у ғайбдан қалбга кириб келади, у ҳаётнинг асоси ва ҳатто ҳаётдан ҳам баланд, руҳ— Раббоний амрдир”¹⁰. Кўриниб турибдики, Румий инсоннинг кўпроқ руҳий борлиғига эътиборини қаратади. Демак, руҳ ғайб олаmidан келиб қалбга кирадиган латиф бир қувват. Инсоннинг моҳияти табиатдаги бошқа жонзотлардан фарқлантирувчи белгиси ҳам шу латиф руҳдандир. Шу руҳдирки, инсонни тинмай маънавий камолотга етаклайди, унинг ақлини

⁹ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. –Тошкент.:“Янги аср авлоди” 2007 йил 185 бет

¹⁰ Тасаввуф. Тавҳид асрори. Нажмиддин Комилов. Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари. Тошкент-1999 36-бет

ўстиради, нозиклаштиради, мулойимлик бағишлайди. Жисм—табиат ва инсон қобиғи, уларнинг моддий жихати, руҳ эса ақл жавҳари, инсон моҳиятидир. Шу боис, дилнинг шаффофлиги унда илохий нурнинг, маърифатнинг кўплиги, мухаббатнинг лиммо лим эканлигидадир деб таъкидлайди.

XI асрда яшаб ижод этган улуғ олим, мутафаккир Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида қадимги туркий халқлар тили таркибига кирган сўзларнинг арабча изоҳли таржимаси берилган. Бу китобни қадимий туркий тилнинг изоҳли луғати дейиш мумкин. “Девону луғатит турк” асарида халқнинг таълим-тарбияга оид тажрибалари ифодаланган мақоллар ҳам мавжуд. туркий халқлар қадим-қадимлардан бошлаб инсон шахсини шакллантиришда таълим-тарбияга катта эътибор берганлигини кўрсатади. Айниқса, панд-насихатларда асосий ўринни илм олишга ундаш, унинг фойдалари, илм аҳлини ҳурмат қилиш тўғрисидаги фикрлар эгаллайди. Ёшларни илмли кишиларга яқинлашиш, улардан ўғитлар олиш юзасидан берилади. асаридаги шеърий парчалар, мақоллар эзгуликни тарғиб қилган, инсоннинг камолга етишига катта таъсир этган.

XI асрда яратилган, таълим-тарбия, ижтимоий фикрни ривожлантиришга хизмат қилган ноёб асарлардан яна бири “Қобуснома” асари ҳисобланади. “Қобуснома” нинг муаллифи сомонийлар сулоласига садоқат билан хизмат қилган Табаристон ўлкасининг ҳукмдори Шамсал Маоний Қобуснинг набираси Кайковусдир. У замонасининг етук билимдон кишиларидан бўлган. “Қобуснома” маънавият, ахлоқ-одобга, таълим-тарбияга оид нодир асарлардан ҳисобланади.

Кайковус ўзининг машҳур “Қобуснома” асарида турли касб эгаларини улуғлаган. Касб-хунар ўрганишни билим олиш билан қўшиб олиб боришни тавсия этади. Кайковуснинг бу қарашлари ўша даврнинг илғор қарашларидан саналади. Айниқса, Кайковус ўз асарида ёшлар тарбиясида жувонмардлик талабларидан энг муҳими ахлоқ тарбияси, деб кўрсатади. У ёшлар тарбиясида

инсоний муносабатда бўлиш, адолатлилик, самийлик, сахийлик каби хислатларни таркиб топтиришни истайди. Бу эса шахс тарбиясида жонкуяр ташкилотчи бўлишни тақозо этади. Кайковуснинг педагогик фикрлар тарихига кўшган хиссаси шундаки, у ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларни ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолиятга тадбиқи нуқтаи назаридан ифодалаш билан ҳамма замонларда, ҳар қандай тузумда ҳам ўз қимматини йўқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Абу Райхон Беруний ўзининг педагогик қарашларида таълим-тарбия ва ахлоқ масалаларига фақат ўз даврининг етук мутафаккири сифатида эмас, балки педагог олим мақомида ёндашди. Буюк мутафаккир ўзининг дидактик қарашларида, ўқувчиларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида биринчидан, турли мавзулар юзасидан мулоҳазалар юритишни, шунингдек, ўқувчини зериктирмаслик зарурлигини таъкидлайди.

Беруний инсоннинг ҳалол меҳнат қилиши ва касб-ҳунар эгаллаши туфайли ақл-заковат, қобилияти, қудрати ошиб боришига, шунингдек, ўз асарларида ҳар қандай жумбоқни ҳал этишда илм-фаннинг ролини кўрсатишга, ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берди.

Ўрта Осиёда педагогика фанининг ривожланишида катта ҳисса кўшган. Беруний ер юзасидаги бошқа мавжудодларга қараганда инсон зиммасига энг маъсулиятли вазифалар юкланган, менини эътироф этади. “Минералогия” асарида келтиришича, инсон табиатининг энг олий камолотидир. Чунки “инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради...., Ер юзини обод этиш ва уни бошқариб туриш учун ... инсонга катта шараф кўрсатилган, унга ақл-заковат кучи армуғон этилган”.

Абу Али Ибн Сино қарашларида ўзига хосликлардан бири чуқур ҳақиқий билим эгаси бўлиш учун, дейди аллома, инсон чидамли, мушкулотдан кўркмайдиган, ақлли, одобли, камтар ва бошқа бир қатор ахлоқий сифатларга эга бўлиши керак.

Абу Али Ибн Сино илмий-ахлоқий меросини асосий қиймати ва қудрати кенг ва кучли инсонпарварлик ғоясидир. Бизга маълумки, жуда кўплаб инсон мукамал ахлоқий фазилатлар эгасилигини кенг, атрофлича, табиат қонунларини очиб бера олиши, инсонларга уни етказиши керак. Ахлоқлик бўлиш илмга кўприқдир. Илмли инсоннинг энг яқин дўсти – ахлоқ-одобдир. Ўқувчи, талабаларнинг ҳақиқий илмли бўлишида ўқитувчининг роли унинг маълум сифатлар эгаси бўлишлиги масаласи Ибн Сино ижодида алоҳида ўрин эгаллайди.

Абу Наср Фаробий билимдан маърифатли етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди: “Ҳар кимки илм хикматни ўрганмаган деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ – саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун – қоидаларни билсин, билимдан ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни хурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол – дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин”.

Бу фикрлардан Фаробийнинг таълим – тарбияда ёшларни мукамал инсон қилиб тарбиялашда хусусан, ақлий – ахлоқий тарбияда алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безатмоғи лозим, акс ҳолда кутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди.

Оила муҳити бола дунёқарашини шакллантириш ҳамда ахлоқ меъёрларини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оилада ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор қаратилди. Бу масала давлат сиёсатига кўтарилди, қатор қарор ва қонунлар қабул қилинди.

Зеро, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда оилада ахлоқ ва одобнинг дастлабки куртаклари илдиз отади. Президент И.Каримов “Оила ҳаётнинг обадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай бўлиб

етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир”¹ деганда ҳам ана шуни назарда тутди.

Гап ахлоқ тарбияси ҳақида кетар экан, бир нарсани англаб олиш лозим. Ахлоқ одамнинг жамиятга, меҳнатга, кишиларга, хусусий ва ижтимоий мулкга, оила ва жамиятга нисбатан тарихан вужудга келган халқ нормалари ва қоидалари мажмуасидан иборат. Айтиш мумкин-ки, ахлоқли юриш-туриш одатлари шундай бир заминки, бусиз маънавий фазилатлар ва муносабатларни шакллантириб бўлмайди.

Аллома А. Авлоний ахлоқ тарбияси ҳақида шундай ёзади. “Инсонларга энг муҳим зиёда шараф баланд даража берувчи ахлоқ тарбиясидир”.² Оилада, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор қон-қонимизга сингиб кетган бурчларимиздандир. “Бир болага етти қўшни ота-она” деган ибратли мақол ҳам айнан халқимизга хос. Мана шу мақолнинг ўзи ҳам фарзанд тарбияси, оилапарварлик биз учун нечоғлик муҳим эканини билдиради. Маҳалла аҳли, айниқса кексалар кўчада нобоп иш қилаётган бола олдидан ҳеч қачон бепарво ўтиб кетмаган, шу заҳотиёқ танбех бериб тўғри йўлга чақирган. Зеро, ҳар томонлама чиройли, одобли, гўзал хулқли бўлиш, нафсни поклашга буюрувчи муқаддас динимиз оилага катта аҳамият беради.

Оиладаги муҳит ота-она ўз маъсулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Болаларнинг одобли бўлиб улғайиши учун ота-она билан бир қаторда маҳалла-куй ҳам катта ибрат мактабидир. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деб бежиз айтмаган халқимиз. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги қўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш,

¹ И.А.Каримов “Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги” “Маърифат” газетаси. 1997 йил 10 декабрь.

² Ватан ва миллат муқаддасдир. (тўплам) Т.: Ўқитувчи, 1996, 44 бет

ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутди. Бола ота-она томонидан кўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, бу унинг табиатига салбий таъсир қилади. Бу эса ўз навбатида оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оилада ота-оналар “оммавий маданият” таъсирига берилиб кетиши оқибатида фарзандларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Албатта бола тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онани ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан баҳобар бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир.

Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада болага эстетик, жинсий тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини кўяди. Таълим-тарбия, одоб-ахлоқ болалиқдан берилгани маъқул.

Фарзанд тарбияси жараёнида бола ҳуқуқларининг камситилмаслиги талаб этилади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбияга нисбатан болаларнинг руҳий оламига, ҳиссиёти ва туйғуларига чуқур таъсир кўрсатади. Фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак?, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Кўпчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деб жавоб берган. Яна шу сўзга кўшимча қилиб таниқли педагог А.С.Макаренко беш ёшгача бўлган тарбия боланинг шахсияти шаклланишида ўта муҳим аҳамиятга эга эканини қайд

этиб ўтган. Бу ҳақда у шундай деб ёзган: “...тарбиянинг бош асоси беш ёшда ниҳоясига етади, демак, сиз беш ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади, кейинги тарбия эса қайта тарбиялаш негизда давом этади”. Мана шу жараёнда бола тарбиясига ўта эътиборли бўлиш лозим.

Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жихатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган. Шарқ алломалари ўз асарларида фарзандларга тарбия ва таълим бериш, уни маърифату маданиятга етаклаш муаммоларига эътибор берганлар.

Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбияси, гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини таъкидлаганлар. Жумладан, Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” асарларида фарзандларга юксак инсоний фазилатларни камол топтириш тараннум этилган. Юртимиз уламолари ўз асарларида фарзандининг чиройли одобидан умид қилган ота-она, уни мунтазам равишда ҳусни хулқ асоси бўлган муомала одобининг куйидаги қирралари билан таништириб бориши муҳим эканини алоҳида таъкидлаганлар:

— фарзандингиз одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига эътибор қаратинг;

— одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андухидан қайғуриш, мол-мулкига хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш ҳусни хулқ эгаларига хос фазилатлардандир. Шунинг учун фарзандингизга ана шу хислатларни болалиқдан сингдириш пайида бўлинг;

— фарзандингизга ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ўзгаларни менсимаслик, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муносабат кўрсатиш ҳам одобсизлик эканини уқтириб боринг;

— ёши улуғ кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, буйруқларини сидқидилдан бажариш ҳам болалар қалбига жо қилишга эътибор беринг.

Ўрта асрлардаги аллома ва мутафаккирларнинг яратган илмий меросини ўрганиш талабалларда маънавий – ахлоқий сифатларни мумкин. Чунки, Ўрта асрлар аллома ва мутафаккирларининг педагогик фикрларида инсонпарварлик ғоялариини бугунги кунда таълим-тарбия жараёни билан боғласак, жамият тараққиётида тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берган бўламиз.

Ота-боболармиз азалдан ўғил қизларнинг гўзал хулқли, одобли бўлишига катта аҳамият берганлар. Бинобарин, ислом динида ҳам ахлоқ имон қаторига кўйилади. Фарзанд тарбия қилганда одатда ўғил болалар тарбияси билан кўпроқ ота, қиз бола тарбияси билан эса она шуғулланади. Албатта бунда фарзанднинг савиясини инобатга олиш муҳим. Болани бирор-бир ютуққа эришишида, натижани кўришга шошмаслик керак. Масалан икки ёшгача фақат ширин сўз билан, эркалаш орқали тарбия қилинади. Беш ёшгача бола атрофни ўрганади, асосий маълумотни шу ёш оралиғида эгаллайди. Бу даврда биз кўпроқ амалий жиҳатдан намуна бўлишга уринишимиз, соғлом оилавий муҳитни яратишимиз зарур бўлади. Оилада отанинг болаларига лоқайд бўлиши охири хунук оқибатларга сабаб бўлади.

Лоқайдлик ёмон иллат бўлиб, у бола тарбиясининг бузилишига катта йўл очади. Ота сусткашлик қилиб, бурчини адо этмагани ва манфаатли илм ҳамда яхши амални ўргатмагани оқибатида ўз фарзандидан зарур ижобий ҳислатларни шакллантира ололмаган. Фарзанд ҳам отасининг яхши тарбиясидан маҳрум бўлиб ўсади. Кейинги давр эса бир оз талабчанлик ва

интизомни талаб этади. Бу давр ўсмирлик пайти бўлиб, бола оқ-қорани айни шу даврда ажратади. Яхшиликка мукофот, ёмонликка жазо муқаррарлигини шу босқичдан ўрганади. Бу даврда фарзанд тўғри йўлга солинса, тарбияли дўстларга ҳамроҳ қилинса, унинг одобли бўлиб, яхши инсон бўлиши учун муҳим кадам қўйилади. Одатда оналар ўз болаларининг хато ва камчиликларини отасидан яширишга ҳаракат қиладилар. Айтсам уришади, боламга каттиқ тегади деб, йўл қўйган хатолари, қўл урган ёмон ишларини отага айтмайдилар.

Оқибатда бола ўз вақтида танбеҳ олмаганидан кейин бора-бора каттароқ жиноятларни ҳам кўрқмасдан қилавериши мумкин. Меҳр-муҳаббат беришда ҳам меъёрни сақлай билиш керак. боланинг барча айтганларини қилиш, барча тўғри-нотўғри хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ёки хатто индамаслик фарзанднинг умуман тарбиясиз бўлиб ўсишига олиб келади. Ортиқча талтайтириб эркалаш болани ҳар жиҳатдан сустлаштириб кўяди, меҳр кўрсатиш эса уни янада фаол бўлишга ундайди. Эрка ўсган бола фақатгина шахсий манфаатларини кўзлайдиган, маъсулиятсиз бўлиб вояга етади.

Шунинг учун фарзанднинг баркамол инсон бўлиб етишида онанинг хизмати жуда зарур ва муҳимдир. Болалик чоғида фарзанднинг қалби ўта юмшоқ ва таъсирга берилувчан бўлади. Шу боис диний таълимотларда болаларни меҳр билан эркалаш, фарзанднинг болалик даврини хурсанд ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, қиз боланинг кўнгли нозик бўлишини ҳисобга олиб, уларга алоҳида меҳр кўрсатишга чақирилади. Диний таълимотларда ота-она ўз фарзандларига таълим-тарбия бериши ҳам долзарб вазифалардан деб қаралади. Бу ҳақда Муҳаммад (алайҳиссалом): “Фарзандларингизга таълим беринг, чунки улар сизники бўлмаган вақт учун туғилганлар”, деб ҳар бир ота-онани боланинг ўз замонаси илм-фани, таълимига бефарқ қарамасликка чақирганлар.

Тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзлик билан тарбиялашдир. Бу икки восита бир бўлиб, болани шакллантиради. Шу жумладан, таълимни ҳам ғазаб ва жазолаш билан амалга оширмаган маъқул. Зеро, зўрлаб берилган таълим бола хотирасидан тезда ўчиб кетади. Оқибатда унинг шу соҳага нисбатан қизиқиши сўниши мумкин. Бундан кўринадики, таълимнинг аввали ҳам яхши тарбиядан бошланади. Ислом таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига жиддий аҳамият берилган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Фарзандларингизга сузиш ва камон отишни, қизларга ип йигиришни ўргатинглар”, деганлар.

Бугунги кунда фарзанд тарбиясида ижтимоий муаммолардан; уяли телефонлардаги тажовузликлар ҳамда ижтимоий тармоқлар тўри табора авж олмоқда. Ушбу замонавий коммуникация воситалари муҳим алоқа воситалари бўлиши билан бирга баъзи маънавияти тўлиқ шаклланмаган сушт ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий тармоқ таъсирига тушиб қолган ёшларга ота-оналар, ўқув муассасалари билан биргаликда ёндошиб алоқа воситаларининг асл моҳиятини тушунтириб беришлари лозим.

Тарбиядан ташқаридан бўладиган салбий таъсир бу, энг катта хатардир. Чунки фарзандга оилада бу борадаги эркинликка йўл қўйилмагач, у ўз қизиқиш ва рағбатларини қондирадиган сабабларни ташқаридан излай бошлайди. Демак, ота-она фарзандининг ташқи ҳаётига ҳам катта эътибор қаратиши талаб этилади. Яъни, улар фарзанди мактаб ёки коллеждан кейин қаерга бориши, нима билан шуғулланишини назорат қилиш лозим.

Фарзандга билим олиш учун шароит яратиш ҳам ота-онанинг вазифасидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Илм олиш ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарздир”, деб марҳамат қилганларида, ўғил ва қиз фарзандларимизга илм олиш учун баробар шароитни таъминлаш кераклигини назарда тутганлар. Ёш авлод етук ва комил шахс бўлиб вояга етиши учун яна бир муҳим омил ҳаёт тарзига айланиши зарур. У ҳам бўлса “китобхонлик”. Бунинг учун юртимизда барча шароитлар яратилинган.

Шунингдек, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини равон айта оладиган, юқори марраларга эришувчан авлодни тарбиялаш учун ота-она, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини захарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-этиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга кодир бўлади. Фарзандларимизга шундай тарбия берайлики, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

Маълумки, ўзбек халқи жуда бой маънавий-ахлоқий тарбия, кадриятларига эга. Ахлоқий урф-одатлар, расм-русумлар тарбия усуллари ота-оналар учун ҳам ибрат мактабидир. Ҳар бир ота-она мазкур тарбия усуллари жараёнида усталик билан қўллаши орқали яхши одатларни фарзандлар қалбига сингдириши лозим бўлади. Бу ерда ота-оналар, катта ёшдаги кишилар шахсий намунаси ва ижтимоий муҳит катта аҳамиятга эга бўлиб, бу болалар ахлоқий тарбиясининг ўзагини ташкил қилади.

Оила тарбияси – ота-оналар ёки шахс камолоти учун масъул шахслар томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён. Ота-оналар ўзларининг ижтимоий бурчларини бажарар эканлар, фарзандларида меҳнатга, уни ташкил этувчиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаш, турли кўринишдаги муносабатларни уюштириш вақтида тартиб-интизомга амал қилиш, ижтимоий меъёрларга оғишмай риоя этиш, соғлом турмуш тарзини яратиш, ўз шахсий ҳаётлари мазмунини белгилашда мақсад, сўз ва

фаолият бирлигини таъминлаш борасида ҳар томонлама ижобий ибрат намунасини кўрсатади.

Шахс шаклланишига таъсир этишнинг ижтимоий-руҳий асосига эга оила жамиятнинг ажралмас бўлаги сифатида ижтимоий вазифаларни бажариш билан бирга ўзига хос хусусиятларни ҳам акс эттирадики, бундай ҳислат психологик қарама-қаршилик ҳамда характерлар тўқнашувидан иборат ижтимоий муносабатлардан толиққан инсон организмнинг ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш учун зарур бўлган мўътадил иқлимни ҳосил қила олади. Бу туйғу халқимиз руҳиятидаги ўзига хос хусусиятлардан биридир.

Оила жисмоний ва психологик жиҳатдан соғлом, маънавий баркамол, меҳнат, ижтимоий ҳамда оилавий ҳаётга тайёр шахсни шакллантириб бериши лозим. Оила тарбиясининг мазмуни ижтимоий тарбиянинг мазкур йўналишлари – жисмоний, ахлоқий, ақлий, эстетик, меҳнат, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий-ғоявий таълим бериш, уларда фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, маърифатсиз маънавиятнинг кенг қирралари очилмайди, усиз юксак даражадаги маънавиятга эришиб бўлмайди. Маърифатда инсоннинг ақлий, ахлоқий, маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий ва бошқа қарашлари мужассамлашади. Зеро, бу йўналишлар, инсонларнинг маънавий қиёфасини турли қирралари бўлса ҳам, буларни маърифий жараёнсиз эгаллаб бўлмайди. Маънавий юксаклилик, маърифат қирраларисиз гўёки япроқсиз дарахтдир. Маърифат маънавий қиёфага сайқал бериб, уни ўткирлаштириб боради. Инсон бошқа соҳаларда бўлгани сингари ўзининг маънавий ҳаётида ҳам, амалий ва кундалик фаолиятида ҳам, билим, маърифатга таянса, унга интилса тўхтовсиз камол топади, ақлий ривожланади.

Бугунги кунда талаба – ёшларнинг маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантиришда таълим муассасаси билан бирга маҳалланинг роли ва

таъсири ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбек маҳаллалари азалдан чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга мухтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган нақлда жуда катта ҳикмат мужассам. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги талабаларнинг доимий турар жойи, яшаш манзили, маҳалласи, оиласи, ота – онаси билан яқиндан алоқа боғлаши ва талабанинг шахс сифатида камол топишида ҳамкорлик зарур.

1.2. Аҳлоқ тарбияси ва унинг асосий омиллари

Аҳлоқ одамнинг жамиятга, меҳнатга, кишиларга, хусусий ва ижтимоий мулкга, оила ва жамиятга нисбатан тарихан вужудга келган халқ нормалари ва қоидалари мажмуасидан иборат. Айтиш мумкин-ки, аҳлоқли юриш-туриш одатлари шундай бир заминки, бусиз маънавий фазилатлар ва муносабатларни шакллантириб бўлмайди. Одатда аҳлоқ тарбияси деганда жамият ва инсонлар учун ибрат бўладиган жами ижобий ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади.

Талабаларнинг аҳлоқий сифатлари уларнинг кундалик юриш – туришлари ва ҳатти – ҳаракатлари билан ифодаланади. Одатда аҳлоқ тарбияси деганда жамият ва инсонлар учун ибрат бўладиган жами ижобий ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади.

Аҳлоқ, хулқ ва атвор сўзлари арабча бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида ишлатилади. Аҳлоқ ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солиш функциясини бажаради. Аҳлоқ- ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланиб, ҳар бир кишининг жамият ва

оиладаги юриш-туриши, тартиб қоидаларининг йиғиндиси сифатида гавдаланади. Демак, жамиятга, оилага, меҳнатга бўлган муносабатларда ахлоқ намоён бўлади.

Ахлоқий тарбия – талабалар тарбиясининг энг муҳими ҳисобланади. Талабалик йилларининг биринчи йилларидан бошлабоқ шаклланиб боради. Талаба олий таълим муассасалари ўз атрофидагиларга нисбатан тегишли муносабатда бўлади. Катталарнинг юриш туриши, қиладиган ҳатти-ҳаракатлари, болага ва атрофдаги одамларга қандай қараши – мана шуларнинг ҳаммаси боланинг маънавий қиёфаси шаклланиб боришига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам болаларга гўдаклик вақтидан бошлабоқ ахлоқ тарбияни бериб бориш зарур. Бу тарбия болалардан ахлоқ сезгиларини, яхши муомалада бўлиш ва ахлоқли юриш-туриш одатларини тарбиялаш, инсоннинг маънавий фазилатлари каби тасаввурларни шакллантиришдан иборат.

Талабаларнинг ахлоқий сифатларини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб бу–таълим - тарбия жараёни, дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлар ва бошқалардан иборатдир.

“Ахлоқ – маънавият ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки, салом-алик хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани” – деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов. Маълумки, ўзбек халқи жуда бой маънавий-ахлоқий тарбия, қадриятларига эга. Ахлоқий урф-одатлар, расм-русумлар тарбия усуллари ота-оналар учун ҳам ибрат мактабидир. Ҳар бир ота-она мазкур тарбия усуллари жараёнида усталик билан қўллаши орқали яхши одатларни фарзандлар қалбига сингдириши лозим бўлади. Бу ерда ота-оналар, катта ёшдаги кишилар шахсий намунаси ва ижтимоий муҳит катта аҳамиятга эга бўлиб, бу болалар ахлоқий тарбиясининг ўзагини ташкил қилади.

Айтиш мумкин-ки, “болалар ахлоқ тарбиясини олдинроқ ўзи яшаётган атроф муҳит ва кўчадаги болалардан оладилар. Болалар сувга ўхшайдилар сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар ўша муҳитнинг ҳам шундай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарти шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон ахлоқни ўз уйларидан, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги талабадан қабул қиладилар”.¹

Абу Али Ибн Сино бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. Ибн Сино боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй – рўзғор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила ота – онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота – она тарбиячи бўлиши мумкин.

Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама – якка суҳбатга бўлиш унга насихат қилишдир. Ибн Сино болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний ақлий тарбия билан ўзвий бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Юсуф Хос Хожибнинг уқтиришича ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун у туғилган кундан болаб зарур тарбияни олмоғи лозим. У қобил қизнинг тарбияси ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзларига хос хусусиятига эътибор беришни таъкидлайди. Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти–ҳаракатларига берилишининг олди олинади.

Мирзо Улуғбекнинг оила муҳити соғлом авлодни етиштириш ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, аллома уқтиришича, боланинг билим олишига бўлган қизиқиш, хавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди. Оилада ота – оналар айниқса ўқимишли ота – оналар ўз

¹ А.Фитрат “Раҳбари нажот” асаридан. “Ўзбек педагогикаси антологияси” 2-жилд. Т.: Ўқитувчи, 1999, 56 бет.

фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Алишер Навоий боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. Ёш боланинг жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. У одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса кишиларнинг бир – бирларига бўлган рухий маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади деб вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлиги ўқтиради.

Воиз Ал – Кошифийнинг ўқитиришича инсонни таълим – тарбия орқали қайта тарбиялаш ақлий қобилиятни ўстириш мумкин. Кошифий ўзининг педагогик қарашларича болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради. Ота – оналар муаллимлардан бу масалага алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Бу масалада оилавий ҳамда ташқи муҳит муҳим ўрин тутади. Бола тўғри сўзли, вадага вафодор, яхши хулқли қилиб тарбияланиши керак.

Жалолиддин Давоний ота – онанинг болани тарбиялашдаги аҳамиятига кенг тўхталганди. Унинг фикрича оила тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуқли, тенг иштирок этиши боланинг яхши хулқ – одоб қоидаларини муайян бир касбни эгаллашига кўмаклашиши илм – фан ва касб – ҳунар эгаллашининг моддий асоси бўлмишозик – овқат, кийим – кечак, керакли буюм ва жихозларни етказиб бериш учун жозибалик кўрсатиши керак.

Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Муслихиддин Садий Шерозийнинг фикрича, оила, боланинг бахти, келажаги учун замин яратувчидир. Оилада асосий таянч отадир. У маъсулиятли тарбиячидир. Ота ўз болаларини тарбиялаши, ўқитиши, ҳунарга ўргатиши, жисмонан чиниқтириши керак. Унинг педагогик қарашича бола қобилиятли ва камқобилиятли бўлиши мумкин. Қобилият ўз – ўзидан ривожланмайди.

Унинг ривожланиши учун болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса, боладаги қобилият сўнади, тарбияни 3 асосий – ақлий, нафосат ва жисмоний меҳнат тарбиясига бўлади. Адиб болани тарбиялаш вазифасини уларнинг ота – оналарига, яъни оилавий тарбияга ката эътибор беради. Муслихиддин Садий Шерозийнинг ота – оналарга характерини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий тарбияни боланинг ёшлигидан бошлашни тавсия этади, характер шакллангач, болага таъсир этмайди.

XIX аср ўзбек ижтимоий ва адабий ҳаётнинг йирик вакилларида бири Комил Хоразимий ўз асарларида маърифат ахлоқий камолот, ватанпарварлик ғояларини олға сурди. У илм-маърифатнинг халқ, жамият фаровонлигига, инсоннинг ахлоқ камолатида тутган ўрни, ахлоқий ва нафосат тарбиясини узвий бирлиги ҳақидаги педагогик фикрларини ҳам баён этади. Комил Хоразимийнинг фикрича илм-хунар, илм-маърифат инсон ахлоқий камолоти, ижтимоий маънавий ҳаётнинг ривожини учун хизмат қилиши керак. Камтарлик эскирмайдиган, энг гўзал инсоний фазилятдир. Бу фазилятларга эга бўлганлар обрў-эътиборли комил инсонлардир. Камтарлик инсонни турли нохушликдан хижолатдан сақлайди.

Шоир тарихшунос, таржимон ва хаттот Мунис Хоразимий тилга кўп эрк бермасликни маслаҳат беради. Унинг таъкидлашича, ортқча сўзмонлик киши бошига олин ўрнига қаттиқ тош бўлиб тегиши мумкин. Шоир ёмон сўзли, озор берувчи муродлар сифатини тасвирлаб, кишиларни жумладан ёшларни улар билан хамсухбат бўлмасликка ундайди. Мунис Хоразимий ўз асарларида халқни адолатли, онгли, билимли бўлишга, жаҳолатдан йироқ туришга даъват этади, унинг фикрича, адолат шараф кўрки, осойиштали, хушнотликдир. У ёшларни камтарлик билан мулоқотда бўлишга, уларни ҳурмат қилиб эъзозлашга чорлайди. Мунис Хоразимийнинг асарларига баён этилган таълим – тарбияга оид фикрлар фақат у яшаган давр учун эмас, балки ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

Моҳлар ойим Нодиранинг инсон ва табиатига нисбатан қарашларига фақат шахсий туйғу эмас, балки ёшлар тарбиясида миллий анъаналарнинг роли ҳақидаги фикрлари ҳам намоёндыр. Нодиранинг тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари-адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўринни эгаллайди. Нодира ҳаётнинг туб моҳиятини яхшилик биносини барпо этишдан иборат деб билади. Унинг фикрича, кимки тириклик чоғида яхшилик бунёд этган бўлади, ўзининг бу эзгу ишлари билан ўзидан кейин ҳаётда ёрқин хотира қолдиради. Умуман, Нодира ўз шеърларида баркамол инсонни улуғлайди. Таълим – тарбияга оид кўп фойдали ўғитларни баён этди.

Мухаммад Ризо Огаҳий ўз ижодий фаолиятини педагогик қарашларида нафосат тарбияси ҳам юқори баҳоланади. Огаҳий миллий анъаналаримиз меҳмондўстликни гўзал фазилатлардан бири ҳисоблайди. Меҳмонга чуқур ҳурмат билан қараш, меҳмон кутиш, кузатиш одоби Огаҳий ижодидан ўз ифодасини топди, одамларни бу фазилатни эгаллашга даъват этди.

Огаҳийнинг таъкидлашича, инсонга дўст ва душманни ажратиб олиш ҳаётда ўз ўрнини топиб олишда ғоят муҳимдыр. Унинг фикрича тўғри сўз кишилар ҳаётда қийинчилик билан яшасаларда, дунёнинг мавжудлигини сақлаб турадилар, мангу яшайдилар. Огаҳий таълим-тарбия илмларни эгаллаш ва тилни билишда ҳам муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлайди.

Мухаммад Ризо Огаҳий ўз ижодий фаолиятида бинобарин ёшларни одамларни халқ, ватан, жамият фаровонлиги йўлида хизмат қилишга даъват этди. У дўстликни меҳмондўстликни ахлоқий гўзалликни улуғлади. Инсонларни зийракликка, тўғри сўзли бўлишга чорлайди. Огаҳийнинг бу фикр ўғитлари ҳозир ҳам педагогик қадрият сифатида қимматлидыр.

Бердимурод Бердақ Қарақолпоғистон халқ шоири бутун ижоди давомида халқлар тенглиги, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат ҳақидаги ғояларини олға суради. Бердақ инсоннинг шахсий бахти халқ бахти билан

боғлиқ деб билади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам ҳақиқий бахтга эришиши учун ўз шахсий манфаатини халқ манфаати билан бирлаштириши, халқ бахти учун керак бўлса жонини ҳам аямаслиги керак. Бердақнинг фикрича инсон олий ахлоқий сифатларига, чунончи, беғаразлик, олижаноблик, виждонийлик, меҳнатсеварлик, мардлик фазилатларига эга бўлиши лозим.

Бердақ ёшларнинг ақлий тарбиясида мактабнинг мавқеи катта эканлигини таъкидлайди. Мактабда болани яхши хулқи атворли қилиб тарбиялаш лозим. Унинг фикрича мактабда дарс берувчи муаллим ўз хушмуомилалиги, пок қалблиги, ҳақгўйлиги, ўз фанини яхши пухта билиши билан болаларга ўрнак бўлиши керак.

Бердақ оиланинг бола тарбиясида, муҳим ўрин тутишни алоҳида таъкидлайди, оила муҳитида ота – оналар билан болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлгандагина тарбия яхши натижаларга эришиши мумкинлигини айтади. **Бердақнинг** уқтиришича, инсон туғилган кундан оқ тарбияга муҳтождир, унинг илк тарбиячилари, албатта ота – оналардир. **Бердақнинг** фикрича барча одамлар инсонпарвар ва адолатли бўлса жамият гуллаб яшнайдди. Бунинг учун эса, халққа таълим бериш, унда ижобий хулқ-атвори тарбиялаш лозим.

Марказий Осиё халқлари илм – фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан бири Мирзо Улуғбек. У аввало ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларини эгаллашга даъват этди. Фақат ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг комил топишини таъминлашга ишонди. Алломанинг уқтиришича, боланинг билим олишга бўлган қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди. Оилада ота – оналар айниқса, ўқимишли ота – оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Мирзо Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, харбий хунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Улуғбекнинг фикрича одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғидаёқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, таълим – тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслиги учун мударрислар одил ва ҳалол бўлиши керак.

Буюк шоир ва олим, форс – тожик мумтоз адабиётнинг улуғ намоёндаси Нуриддин Абдурахмон Жомий ўзидан кейин турли фан, адабиёт, жумладан педагогикага доир ўлмас меърос қолдиради. У ўз асарларида, айниқса, насрий йўлда ёзилган “Бахористон” асарида таълим – тарбия масалалари хусусида фикр билдирди. Жомий ўз асарларида ёшларни илмларини эгаллашга даъват этади. У ўз педагогик қарашларида кишиларни адолат, хушмуомалалик ва доно сўз билан зулмкорларга маъсир этишга даъват этади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Мустақиллик-Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Бундай ўзгаришлар натижасини таълим-тарбиянинг миллий-маънавий асослари ҳисобланган, жамият аъзоларининг интилишлари ва орзу умидларини ўзида мужассамлаштирган, уларни ҳаётий мўлжаллар билан қуроллантирадиган, эзгу мақсадларга сафарбар этадиган “Таълим туғрисида” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бўлиб, ҳозирги замонга хос илм-фан, таълим-тарбия, илғор педагогик технологиялар, ижтимоий тараққиёт, янгича тафаккурга эга, бобокалонларнинг беназир мероси ва умуминсоний кадриятларга таянадиган, маънавий бой ва аҳлоқан пок, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашни мақсад қилади.

Талаба – ёшларимизда маънавияни орқали уларда юксак маънавий фазилатларни, маънавий – моддий кадриятларга ҳурмат Ватанга муҳаббат, миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимиздаги

ислохотларни ҳал қилиш омили Кўриниб турибдики, алломанинг фаолияти мазмуни талаба ёшлар томонидан ўрганилса, таҳлил этилса ўз самарасини беради. Шу билан бирга унинг таълимотидан талабаларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги фазилатларини ривожлантиришда бемалол файдаланиш мумкин чунки, унинг ишлари бекиёс таълимий – тарбиявий, ҳамда ахлоқий таъсир кучига эга.

II БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

2.1.Талабалар маънавий – ахлоқий сифатларини шакллантирадиган асосий мезонлар

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимни анънавий усуллари ўрнида интефаол усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, глобаллашув жаарёнининг айниқса тарбия соҳасига кўрсатаётган айрим ғаразли носоғлом ғоявий-мафкуравий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Шунингдек, глобаллашув ва таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқлар ва муаммолар И. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаарида ўз ифодасини топган. “Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда - бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан

караганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”¹¹.

И. Каримов глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби ҳақида тўхталиб, уни қуйидагича изоҳлайди: “Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”¹². Шу маънода, глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши - табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий

¹¹ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 111-б.

¹² Ўша жойда.

равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

“Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки - ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”¹³. Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга¹⁴. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши ҳаммага маълум.

Бугунги кунда талаба – ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-

¹³ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 113-б.

¹⁴ Ўша жойда.

баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларни ушбу воситаларни кўлламасликка чақириш ҳам тўғри келмаслиги ушбу асарда қўйидагича изоҳланади: “Биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”¹⁵.

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий.

И.Каримов тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлиги ҳақида уқтириб, “бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин” эканлигини таъкидлайди.¹⁶

“Барчамизга аён бўлиши керакки - қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда

¹⁵ Ўша жойда.

¹⁶ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 115-116-б.

хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавий қудратли кучга айланади”¹⁷.

Айниқса, бутунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.

Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш мумкин.

Ана шундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда, халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлиги таъкидланади.

Юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этиш йўлида, И.Каримов яна бир масалага алоҳида эътибор қаратади. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини муаммосидир.

“Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига

¹⁷Ўша жойда.

беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё, иббо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак.

Таълим ижтимоий институт, жамиятнинг ижтимоий тузилмаларидан бири ҳисобланади. Таълимнинг мазмуни жамиятнинг ҳолатини, унинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини акс эттиради. Ҳозирги вақтда бу индустриал жамиятдан XXI аср ахборот жамиятига ўтиш ҳолатидир.

Ҳар бир талаба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тарбиявий ишларнинг тизими, яъни уларга маънавий билимларни бериш, миллий қадриятлар асосида шакллантириш кабиларнинг мазмуни ва талаба шахси камолотидаги аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек, ушбу тизимнинг мазмунида талаба-ёшлар юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, уларни бой тарихий ва маънавий меросимиз билан таништириш, миллий анъаналарга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат,

Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ўз ифодасини топади.

Миллий кадриятлар умуминсоний кадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади. Бу ҳаётий ҳақиқатдир. Истиқлол туфайли жамиятимизда миллий кадриятларимизнинг тикланиши, миллий кадриятлар тушунчасининг кўп қирралилиги, миллий ўз-ўзини англаш, миллий психология, миллий туйғу, миллий маданият, тил, урф-одат, удум ва анъаналар, уларнинг инсон маънавий баркамоллигини таъминлашда, дунёқарашини шакллантиришда, бунёдкорлик фаоллигини оширишдаги ўрни, шунингдек миллий, минтақавий ва умуминсоний кадриятларнинг муштараклиги, ижтимоий сиёсий, табиий, моддий кадриятлар ҳамда юксак миллий маънавиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишдаги воситачилик роли каби долзарб муаммолар фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этилади.

Хуш, кадриятлар ўзи нима? Уларнинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, кадриятлар жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчанинг моҳиятини ифодалашда турлича ёндашувларни учратишимиз мумкин. Масалан, ”Фалсафий энциклопедия”нинг бешинчи жилдида кадриятлар қуйидагича тавсифланган: “Кадрият фалсафий ва социологик тушунча. У, биринчидан, бирор объектнинг ижобий ёки салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив, белгиловчи—бағишловчи жиҳати (субъектив кадриятлар ёки онг кадриятлари)ни ифода этади. Шунга кўра объектив (ашёвий) ва субъектив (онг) кадриятлари бир биридан фарқланади”.

Мазкур манбада ёзилишича, табиий бойликлар ва табиат ҳодисалари (булар яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланади) меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилик); ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий эзгулик ва ёвузликлар; тарихий

ходисаларнинг прогрессив ёки реакцион аҳамияти, ҳозирги замон кишиларининг бойлиги сифатида намоён бўлувчи мозийнинг маданий мероси, илмий ҳақиқатнинг фойдали самараси ёки назарий аҳамияти, кишиларнинг ҳатти ҳаракатларида ифодаланувчи ахлоқий, яхшилик ёки ёмонлик, табиий ва ижтимоий объектларнинг ҳамда санъат асарларининг эстетик жиҳатдан тавсифланиши, саждагоҳлар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради .

Кўринадики, “Фалсафий энциклопедия”да русча “ценност” тушунчасига кишилар томонидан ё ижобий, ё салбий баҳоланадиган, уларнинг моддий ва маънавий ҳаётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган барча нарса ва ҳодисалар киритилган.

Шу жиҳатдан таниқли файласуф олим В.П.Тугариновнинг фикри эътиборга лойиқдир: “қадриятлар муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларининг моҳияти (ёки ҳодисанинг бир жиҳати)дир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишига сабаб кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасаввурларидаги қадриятларни химоя қиладилар ва ўзлари учун мақсад ёки идеал бўлган қадриятларни амалга оширишга интиладилар.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради. Қадриятларнинг бошқа турлари, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир” .

В.П.Тугаринов “қадрият” ва “баҳо” тушунчаларини бир биридан фарқлаш зарурлигини уқтиради. Қадрият реал ёки орзудаги ҳодиса (бор нарса ёки идеал)дир, баҳо эса шу ҳодисага муносабатни билдиради. У ёки бу ҳодисани қадриятларга мансуб ҳисоблаш, яъни уни қадриятларга қўшиш ёки қўшмаслик ана шу муносабатга, ижобий ёки салбий баҳога боғлиқ.

Қадрият – инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг кадрилини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча.

Қадрият – табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган, одамлар томонидан қадрланадиган, улар учун фойдали, аҳамиятли, моддий-иқтисодий, маданий-маънавий, мафкуравий, сиёсий ҳуқуқий, диний, миллий, ижтимоий омиллар йиғиндисидир.

Умуминсоний қадриятларга энг аввало тинчлик, меҳнат қадриятлари, маориф, фан, адабиёт, санъат, маданият, халқимизнинг қадимий анаъналари, урф-одат ва маросимлари киради. Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб, аввало, ҳар бир халқнинг тили, маданияти, миллий ўзига хослиги, халқ турмуш ва оила муносабатларида амал қиладиган урф-одатлар ва анаъналарнинг бир-биридан фарқлаб турадиган махсус миллий хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бугунги кун одами ўзида ўтмиш қадриятларини фақат акс эттирувчигина эмас, балки ана шу қадриятларга таянган ҳолда мураккаб ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ҳаётда ўз ўрнини мувофақият билан топа оладиган, ҳаёт шарт-шароитларини ўзгартира оладиган, жамият тараққиётига, илмий-техникавий салоҳиятини, иқтисодий ривожланишига сезиларли ҳисса қўшадиган шахсдир. У ўзлигини сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, миллий англаб етган, ҳаётга реал, тўғри баҳо бера олиб самарали ҳаракат қила олиши лозим. Бундай шахсни шакллантириш учун педагогик жараёнда ҳар бир талаба ўзининг қобилият ва истеъдодларини ривожлантириш имкониятига эга бўлиши, ақлий, техник, маънавий-ахлоқий, эстетик, жисмоний, яратувчилик, рақобатлилик, танкидий, иқтисодий таълим ва тарбияни олиши лозим.

Кишилар маънавий оламининг шаклланиши ва тараққиёти, уларнинг маънавий бойиши учун кадр-қимматга эга бўлган нарса-ҳодисалар маънавий қадриятлар дейилади. Улар инсон фаолияти, меҳнати, яратувчанлиги,

ижодкорлигининг маҳсули ҳисобланади. Масалан, рассомлар, шоирлар, олимлар ва умуман ижод аҳли турли ихтиролар, санъат асарлари, илмий тадқиқотлар, олам ҳақидаги асарларнинг муаллифлари сифатида маънавий кадриятларни яратувчилардир.

Олимларнинг фикрлари, шоирларнинг қайноқ кечинмалари, илмий кашфиётлар сирлари моддий тусга кирар экан, яратилган буюмлар оддий эмас, балки маданият ашёлари, маънавий тафаккур маҳсули сифатида юзага келади. Уларда билим асослари, инсоний тажриба ва кечинмалар гавдаланади, улар бизнинг онгимизга гўзаллик, эзгулик, нафосат, адолат туйғуларни олиб киради. Уларнинг кадрият категорияси сифатида эъзозланишининг боиси ҳам ана шунда.

Табиат ва маданият буюмларининг инсон эҳтиёжини қондириши ва унинг мақсадларига хизмат қилиши таъкидланганда, асосан уларнинг фойдаси, қиммати назарда тутилади. Ҳақиқатан ҳам, буюмларнинг иқтисодий қиймати кишилар учун катта аҳамият касб этади. Аммо буюмнинг кадри ҳисобга олинмаса, масаланинг маънавий жиҳати очилмай қолади. Кадрият буюм ёки нарсанинг иқтисодий қийматини ифодалайдиган тушунчалардан фарқ қилади.

Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг кадриятлар тўғрисидаги тасавури, қарашлари ўзгаради, бу эса тараққиёт жараёнида одамларнинг турмуш шароитлари, ҳаёти ва маънавий қиёфасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Кадриятлар жамият ривожини ва кишилар ҳаётининг турли даврларида турлича аҳамият касб этади, тарихий заруратга мос равишда гоҳ у, гоҳ бу кадрият ижтимоий тараққиётнинг олдинги поғонасига чиқади, бошқалари хиралашгандек туюлади. Масалан, юртни ёв босганда – озодлик, империя ҳукмронлиги ниҳоясида – истиқлол, уруш даврида – тинчлик, тутқунликда – эркинлик, хасталик пайтида – сихат-саломатликнинг кадри ортади, уларга интилиш кучаяди.

Кадриятлар инсоният томонидан фан, техника, ахлоқ, одоб, тафаккур,

ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқларда намоён бўлади. Қадриятлар моддий ва маънавий, миллий, диний, умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга бўлинади.

Маънавий қадриятларнинг қуйидаги таркибий асосларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ахлоқий қадриятлар: ахлоқий билимлар, малака ва кўникмалар, ахлоқ қоидалари ёрдамида шахснинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини бошқариш тизимидир. Ахлоқий маданият инсоннинг кўп қиррали фаолияти давомида шаклланиб ва такомиллашиб боради.

“Ахлоқ – манавият ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки, салом-алиқ хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани” – деган эди И.Каримов.

Ахлоқий маданиятнинг муҳим вазифаларидан бири ахлоқий онгни юқори поғонага кўтаришдир. Ахлоқий онг виждон, бурч, масъулият, ҳаё, ғурур каби инсоннинг ички руҳий ҳиссиётларига асосланади.

Ахлоқий маданият маънавий маданиятнинг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро алоқада ва ҳамкорликда инсон шуурига доимий, изчил, секин-аста сингдириб борилгандагина ижобий натижа беради.

2. Бадиий қадриятлар:

-халқ оғзаки ижодиёти намуналари;

-халқ тасвирий ва амалий санъати намуналари;

-ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлган, ривожланган, қадрият даражасига кўтарилган анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар амалий фаолиятидаги илғор тажрибалар йиғиндиси.

Халқ оғзаки ижодининг маънавий қадриятларни тарғиб этишдаги таъсир кучи, унда халқнинг ўзлиги, миллий характер хусусиятларининг очиб берилиши билан характерланади ва уларда халқнинг ғоявий-сиёсий, ахлоқий, бадиий-эстетик, экологик, иқтисодий, диний, ақлий, жисмоний маданияти мазмуни, маънавий талаб ва эҳтиёжлари, орзу-умидлари, таълим-тарбия

шакл, усул ва воситалари ўз ифодасини топган.

3. Диний кадриятлар:

Дин – маънавий ҳаётнинг таркибий қисми. Диний кадриятлар кўплаб миллатлар, элатлар, халқларга тааллуқли бўлган, уларни ғоявий жиҳатдан бирлаштирган диний талаблар, ғоялар, ривоятлар, амалий маросимлар, байрамлар мажмуасидан иборатдир.

Диний кадриятни Ислом дини мисолида кўриб ўтадиган бўлсак, бугун ер юзида 1 миллиарддан ортиқ кишининг ислом динига эътиқод қилиши, ислом ер юзидаги 120 давлатда тарқалганлиги, 30 дан ортиқ давлатда давлат дини деб эълон қилинганлигини эсга олишнинг ўзи кифоя.

4. Миллий кадриятлар – алоҳида олинган халқ, миллат ва элатларнинг ўз тарихий тараққиёти давомида яратадиган барча моддий ва маънавий бойликлар, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари ва миллатнинг ўзлигини белгилайдиган бошқа ўзига хос томонлари йиғиндисидан иборат. Бу ўзига хослик моддий, маънавий, ижтимоий, оилавий ҳаёт, турмуш тарзида намоён бўлади. Бундан ташқари, халқ амалий санъати, халқ ўйинлари, расм-русумлари, урф-одатлари, маросимлари ҳам миллий кадриятларга киради.

Дунёда ўзига хос кадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий кадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий кадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий кадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

5. Умуминсоний кадриятлар – ўз моҳияти ва миқёсига кўра башариятнинг онги ва қалбини эгаллаган, дунёдаги барча одамлар ва ҳар бир

халқ учун энг юксак аҳамиятга эга бўлган, бутун инсониятнинг эзгу мақсадларига хизмат қиладиган кадрият шакллари. Ҳозирги замонда демократия ва гуманизм, тинчлик ва барқарорлик, мустақиллик ва озодлик, қонуннинг устуворлиги ва инсон эркинликлари каби кадриятлар умуминсоний аҳамиятга эга. Шунингдек, яхшилик, адолат, миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги, виждон эркинлиги, табиатни асраш ва шу қабилар умуминсоний кадриятларга мисол бўла олади.

Ҳар бир одам жинси, ирки, миллати, ёши, касби, эътиқодидан қатъи назар авваламбор башар фарзанди, инсондир. Шу умумий моҳият барча одамлар, миллатлар учун бирдай аҳамиятли ва кадрли бўлган предмет, ҳодиса, жараён, муносабатларни фарқлашга имкон беради. Умуминсоний кадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, у даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи кучга айланиб боради.

6. Демократик кадриятлар – давлатни бошқаришнинг демократик тамойиллари ва меъёрларини тан олиш, асосий сиёсий институтларга бўлган ишонч, турли фикрлар ва қарашларга нисбатан бағрикенглик, сиёсий ва ижтимоий фаоллик, эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқлари, шахсий мустақиллик, қонунларга итоат қилиш, давлат бошқарувида фаол иштирок этиш, масъулият.

7. Экологик кадрият – қуйидагиларни қамраб олади: табиатни муҳофаза этиш маданияти, табиат бойликларидан фойдаланиш маданияти, экологик тизимни ўзгартириш маданияти.

8. Сиёсий кадриятлар – жорий сиёсий амалиётда восита ва услублар фаолиятини танлаш, уларни тадбиқ этиш ва қўллаш даражасини аниқлайдиган ғоялар, тавсиялар ва уларга оид ижтимоий-психологик таълимлар йиғиндисидир.

XX аср бошларида таниқли рус шарқшуноси Олденбург Европанинг маънавият соҳасида шу кунгача қўлга киритган ютуқлари ўтмишда Шарқ маънавияти кўтарилган камолот чўққиларига нисбатан гўдак боланинг “чуғур-чуғури” даражасидадир, деган эди.

Аждодларимиз ташбеҳига кўра, маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур, Олий ҳақиқат нури бўлиб, уни ўзида акс эттира олиши учун инсон қалби сайқал топмоғи зарур. Негаки, сайқалланмаган кўнгилни худбинлик занги, ғараз чирки эгаллаб олади ва бундай инсон руҳиятида жаҳолат ва зулмат устунлик қила бошлайди.

Инсон қалбига сайқал бериш жараёни эса маърифат дейилади. Маърифат маънавият сари элтувчи йўллардан иборат бўлиб, Алишер Навоий “маърифат водийси”ни шундай таъриф этади:

Водийдур юз туман минг онда йўл,
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.
Ихтилофи жузв ила кулл мундадур,
Ким тараққию таназзул мундадур.
Юз туман раҳрав кўрарсен беқарор,
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.
Ўз борур йўлиға ҳар бир муфтахир,
Йўлни айлаб ўз йўлиға мунхасир.
Бу они тутмай мусаллам, ул муни,
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай, ул буни.

Насрий баёни: Бу шундай бир водийдирки, уни юз туман минг турли йўллар кесиб ўтади, аммо улардан бири иккинчисига сира ўхшамайди. Бутун ва бўлак ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам шу ерда мавжуд. Тараққиёт ҳам, таназзул ҳам шу жойдадир. Унда сен юз туман йўловчини беқарор бир тарзда, ҳар бири ўзга бир йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан. Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади, ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хоҳламайди, ҳар

бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади, бошқасини эса назарга илмайди.

Маърифатсиз маънавиятнинг кенг қирралари очилмайди, усиз юксак даражадаги маънавиятга эришиб бўлмайди. Маърифатда инсоннинг ақлий, ахлоқий, маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий ва бошқа қарашлари мужассамлашади. Зеро, бу йўналишлар, инсонларнинг маънавий қиёфасини турли қирралари бўлса ҳам, буларни маърифий жараёнсиз эгаллаб бўлмайди. Маънавий юксаклилик, маърифат қирраларисиз гўёки япроқсиз дарахтдир. Маърифат маънавий қиёфага сайқал бериб, уни ўткирлаштириб боради.

Инсон бошқа соҳаларда бўлгани сингари ўзининг маънавий ҳаётида ҳам, амалий ва кундалик фаолиятида ҳам, билим, маърифатга таянса, унга интилса тўхтовсиз камол топади, ақлий ривожланади.

Маърифат инсонни озод, эркин ва улуғвор қилиб тайёрлайди. Бинобарин, теварак атрофдаги барча предмет ва ҳодисаларни билиш инсон заковати, ақлига хосдир. Билиш эса кўпинча тажриба орқали амалга ошади.

Маънавият, маърифат тўғрисида фикр юритганда маърифатпарварлик тушунчасига ҳам жиддий эътиборни қаратмоқ лозим. Кўпгина олимлар маърифатпарварликнинг Ватани бу Ғарбий Европа мамлакатларидир деган тор фикрни ўртага ташлаб, “Европацентризм” ғоясини қўллаб қувватлайдилар. Аслини олганда эса, маърифатпарварликнинг илдизлари (бошқа соҳаларда бўлгани сингари), Шарқ мамлакатлари, айнан, Марказий Осиё мамлакатлари донишмандлари фаолиятига ҳам бориб тақалади. Лекин баъзилар фан, санъат, адабиёт, фалсафа, маданият Европадагина ривожланган деб тарғиб қиладилар, уларнинг фикрича, тараққиётнинг маркази ҳам Европадир.

Албатта, бу нотўғри даъво. Хатто, европалик олимларнинг ўзлари, жумладан, Монтескье, Готфрид, Вольтерлар маънавий ривожланиш ҳар бир миллатга тааллуқли ва уни ҳар бир миллат ривожлантиришга қодир деган фикрни илгари сурганлар. Умуминсоний қадриятлар барчага тааллуқли

эканлигини тарғиб қилганлар.

Хақиқатда эса Шарқ, умуман, Осиё мамлакатларида йирик-йирик кашфиётлар бўлганлигига инсоният гувоҳидир. Масалан, Бишен ёзуви мил.авв. 1045 йилдаёқ Хитойда яратилган. Илк қоғоз пулнинг ватани ҳам Хитой бўлиб, эрамиздан 1900 йил олдин ундан фойдаланилган. Европада эса қоғоз пул саккиз юз йил кейин пайдо бўлган. Исо Масих таваллудидан 300 йил олдин оҳанграбо компас ҳам Хитойда кашф этилган. Европада бу қурилма 1400 йил кейин пайдо бўлди.

Ёки Ал Хоразмий, Аҳмад ал Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари алломалар томонидан амалга оширилган илмий кашфиётлардан ҳозирга қадар дунё илм-фанида кенг миқёсда фойдаланилиб келинаётганлиги ҳам “Европацентризм” ғоясининг асоссиз эканлигини тасдиқлайди.

Албатта барча маънавий бойликларни халқ яратади. Аммо Европа илмида мумтоз (классик) санъат ва халқ ижоди (фольклор)ни фарқлаш удум бўлган. Бунинг маълум асослари ҳам бор.

Тарихдан маълумки, иқтисоднинг маънавиятдан ажралиб қолиши, поймол этилиши борлиқ билан маънавият, инсон билан олам ўртасида ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, инсонлар ҳар қандай шароитда, ҳар қандай йўл билан, ҳатто юрт манфаатларини сотиш эвазига бўлса-да бойлик, мол-мулк орттиришга ҳаракат қилади, яшашнинг осон йўллари ахтаради, унинг виждон, иймон, одамгарчиликдан маҳрум воситаларини топишга ружу кўядилар. Демак, иқтисод билан ахлоқ, моддий эҳтиёж билан маънавий зарурат ўртасидаги уйғунлик бузилган жойда жамият таназзули учун замин пайдо бўлади.

Маънавий ҳаётни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбек маҳаллалари азалдан чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат

Ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган нақлда жуда катта ҳикмат мужассам.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қила-диган яна бир муҳим омил – бу таълим-тарбия тизими. Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Демак, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун унутмаслик керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, яъни халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни жадал ривожланиши инсоният глобал муаммоларини ҳал этишнинг нафақат оптимал йўллариини излаш, балки моддий ва маънавий қадриятларни асраш ва келажак авлодга етказиш каби масалаларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этмоқда.

Инсоният тарихидан бизга маълумки, ҳар бир жамият, миллат, халқ ўз келажак, келгуси авлодларини юксак маънавиятли, илмли ва энг асосийси, бахтли бўлишлари учун курашади. Шунинг учун моддий ва маънавий қадриятларни ривожлантириш ҳозирги кунда долзарб масаладир.

Шундай экан, мамлакатимизда бу масала Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. Каримов эътиборидан ҳам четда қолмаганлиги асослидир. Яъни, “Аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса

чиқариши билан белгиланади”¹⁸. Бу эса жамият тараққиёти бевосита инсон ва халқнинг маънавий-руҳий қарашларини ривожлантириш билан боғлиқлигини кўрсатади. Унда жамият аъзоларининг моддий ва маънавий қадриятларга бўлган интилишини ҳисобга олиш зарурдир.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир бирларига, ўзлари мансуб жамоага, ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ атвор, одоб, хатти ҳаракат, меъёр, қоида ва тамойиллар мажмуасидир. Ахлоқий тушунчаларга яхшилик ва ёмонлик бурч, виждон, шаън (ор-номус), бахт, адолат, идеал қабилар киради. Инсоннинг оила, жамият, халқ манфаатларини англаб қилаётган ҳар қандай хатти ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида ахлоқ, одоб, таълим тарбия масалаларига доимо катта эътибор бериб келинган. “Қадимги аждодларимиз, - дейди И. Каримов,- комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди”. Ахлоқ маънавиятнинг шираю шарбатидир. Инсон ахлоқи шунчаки салом алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.

Бу ҳақда шарқ мутафаккирларининг фикрлари ўринлидир. Жумладан, инсонни насли-насаби, эътиқодидан қатъий назар унга адолатлилик кўрсатиш Яссавий таълимотининг маънавий асоси ҳисобланади. Бу борада у “Суннат

¹⁸ .Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» Т.: “Маънавият” 2008 й. 66 б

эрмуш кофир бўлса, берма озор, кўнгли каттиқ дилозордан худо безор”, дейди. Бундан ташқари, бу дунёда адолатсизлик, мурувватсизлик мавжуд эканлигини сўзлаб, кишиларни ундан ҳимоя қилиш ғоясини ўртага ташлайди ва кўллаб қувватлайди.

Яссавий меросида поклик, ҳалоллик, ўз меҳнати, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, меҳр-мурувватли бўлиш, инсонга ҳос бўлмаган ишлардан нафратланиш, ростгўйлик, онгли яшаш, беозорлик, инсоний софликни сақлашга, нафс қулига айланиб қолмасликка бўлган ҳатти – ҳаракат бекиёс даражада улуғланади. Кўриниб турибдики, Аҳмад Яссавий фалсафаси бўлажак ўқитувчиларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги фазилатларини ривожлантиришда асосий замин бўлиб хизмат қилди.

Юқорида кўтарилган масалалар юзасидан фикрлашганда тасаввуф илми соҳибларидан яна бири Абдулҳолиқ Гиждувоний таълимотига тўхталмасдан иложимиз йўқ. У ўзининг ўғли учун ёзган “Васиятнома” асарида шундай дейди: “Илм ўрганмасдан туриб, ишга киришмағил, бойликка хирс қўймағил,... Одамларни мақтовига учмағил ва аларнинг муҳокамасидан хафа бўлмағил... Уламоларни ҳурмат қилғил, шайхларга хизмат қилғил, алардин мулкингни аямағил, аларнинг ғазабини келтирмағил, доимо эҳтиёт бўлғил..., дарвешликни бойлик деб билмағон, оддий ўринни фахрий ўрин деб билмағон, илмни нодонлик ҳисоблағон, ўзининг пинҳону ошқор ишларини сарҳисоб қила олмайдиғон, охиратни унитғон одамлар ила ўртоқ ва оға-ини бўлмағил”.

Бу фикрлар инсонни илм ўрганишга даъват этади. Ҳар бир хатти-ҳаракатни ўйлаб бажаришга, дўст танлашда нималарга аҳамият бериш кераклигига ўргатади. Бойлик, ва мансаб кетидан қувмасликка, нафсни тия билиш кераклигини буларни барчаси вақтинча эканлигини ўйлаб кўришга ўргатади десак муболаға бўлмайди.

Муаллифнинг ўғлига қилган васиятларидан шуҳрат талаб бўлма, кам е, оз ухла, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е, кам гапр, нашадан парҳез қил, ҳар

бир кишига меҳр-шафқатли бўл. Меҳрибон бўл, ҳеч кимга паст назар билан боқма ва уни таҳқир этма, бировдан асло бирор нарса таъма қилма, деган ўғитлари гарчи бир неча аср аввал айтилган бўлсада, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу фикрлар ҳозирги замон ёшлари учун улкан тарбиявий аҳамият касб этиб келмоқда деб бемалол айтиш мумкин. Бундан ташқари у одамларни меҳнат қилиш ва ҳалол яшашга, молнинг ҳалоллигига шибҳа қилсанг унга яхшиси яқинлашмасликка чорлайди: “Ҳалол егил ва шубҳадан парҳез этгил”, яъни ҳалолиги шубҳали овқатдан ҳазар қилгин дейди аллома.

Агарда биз педагог сифатида талабалар билан таълим – тарбия жараёларида ҳамда аудиториядан ташқари фаолиятларни ташкил этишда Абдулхолик Гиждувоний таълимоти мазмун моҳияти устида атрофлича фикр-мулоҳаза олиб борсак, баҳс-мунозара юритсак, уларда яъни, бўлажак ўқитувчиларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги фазилатларини ривожланишидек масъулиятли вазифани амалга оширишда мақсадимизга ўйлаймизки, албатта эришамиз.

Тасввуф таълимоти соҳиби буюк устодлардан таълим — тарбия олган, тариқатда янги бир йўналиш ҳисобланмиш кубравияга асос солган донишманд Нажмиддин Кубродир.

Нажмиддин Кубро ўзининг нодир асарларида инсон тараққиётидаги ахлоқий қоидалар, яъни солиқлар одоблари, юриш-туриш ва эътиқодлари одоблари тўғрисидаги қоидаларни эътироф этди. Масалан: Тавба. Ўз гуноҳларини тушуниб, тавба қилиб, ҳаётини эзгу ишлар қилишга бағишлаш. Зухд-тақво. Ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиш. Қаноат. Мол-дунёга ружу қўймаслик, бориға шукур қилиш. Сабр. Бу солиқнинг эътиқоди, ниятини синашдир. Инсоннинг ҳар қандай оғир ва мушкулотларга сабр – қаноат қилиши.

Нажмиддин Кубро ўзининг асарларида одамларни инсонпарварлиги, юксак ахлоқий фазилатлари, меҳмондўстлиги, ҳамдардлиги, мардлиги,

ҳалолликка покликка, тенгликка интилиши инсоннинг юксак олижаноблигини кўрсатувчи жиҳатлари эканлигини таъкидлайди. Нажмиддин Кубро айниқса инсонни нафс қули бўлиб қолишдан тайилишларини даъват этади зеро, нафс бу инсонни кўзини кўр қилиб, инсоний сифатларини йўқ бўлишига олиб борадиган нарсадир деб уқтиради. Нажмиддин Кубро ўз ватани озодлиги учун курашган буюк ватанпарвар бўлганлиги бизга тарихдан маълум.

Кўришиб турибдики, алломанинг фаолияти мазмуни талаба ёшлар томонидан ўрганилса, таҳлил этилса ўз самарасини беради. Шу билан бирга унинг таълимотидан талабаларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги фазилатларини ривожлантиришда бемалол файдаланиш мумкин чунки, унинг ишлари беқиёс таълимий – тарбиявий, ҳамда ахлоқий таъсир кучига эга.

Тасаввуф таълимоти ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган ва ўзига хос йўналиш билан ажралиб турадиган йирик тасаввуф тариқати асосчиларидан яна бири Баҳоуддин Нақшбанддир.

Нақшбандлик таълимотида ҳамма учун маънавий бурч сифатида лўқмаи ҳалол ғояси муҳим ўрин тутаяди, бировларни ҳисобига яшаш мумкин эмаслиги уқтирилади. У “Дил ба ёру даст ба кор” яъни, “Дилингни Аллоҳга-ю, қўлингни ишга бағишла” деган таълимотни илгари суради. Бинобарин, бир умр хилватда ўтириб, тоат ибодатда бўлмай балки, ҳамма вақт ҳалол маҳнат қилиш, бошқаларни хўрласаслик ва камситмасликни кўрсатади, тарғиб қилади.

Нақшбандлик таълимоти қўл меҳнати билан, ҳалол тер тўкиб ҳаёт кечиришга чорлайди. Маънавий ва руҳий покликни улкан бойлик деб таърифлайди. Масалан, “Хуш дар дам” тамоилига тўхталсак, бунда ҳар бир инсон нафсини жиловлай билиши кераклигини, бу дунё ноз-неъматлар макони эканлигини ва буларнинг ҳаммаси айни вақтда вақтинча эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга инсон ўзининг нафсини кераксиз, ортиқча нарсалардан тийиши, керагидан ортиқча мол-дунё тўплайман деб муккасидан

кетиши керак эмас ва бу харакатлар мусулмончиликка хос нарса эмаслигини айтади.

Кўришиб турибдики, тасаввуф таълимоти моҳияти нақадар халқимизнинг бой маънавий меросидир. Тасаввуф таълимотидан ўринли фойдаланиш бўлажак ўқитувчиларни маданият, маънавият, маърифатга, жамиятдаги ўрнини топишга қолаверса, баркамол инсон сифатида тарбияланиб вояга етишида беқиёс аҳамиятга эгаллигини бемалол этироф этиш мумкин.

Алишер Навоий маънавийга оид қимматбаҳо дуру гавҳар каби доно фикрларини ўзининг “Ҳайратул аброр” (Яхшилар хайрати) китобида бирма-бир айтиб ўтган. Карам, саховат – бу, имкони бор кишиларнинг ўз имкониятидан келиб чақиб, зору муҳтож кишиларга марҳамат қилмоғи, ёрдам кўрсатмоғи, уларга мададкорлик қилмоғидир. Карам ва саховатнинг зидди, яъни тескараси бу — бухл, яъни бахиллик, очкўзлик, қизғаниш, ўзгалар эҳтиёжига бепарволик, ўз молу дунёсини босиб ётиб, улардан ҳеч кимга наф етказмасликдир. Навоий бахиллик (бухл)ни қоралайди, уни рад этади.

Айни замонда, шоир карамли, сахий кишиларга саховат қоидаларини ўргатади. Карам ва саховат кўлидан келадиган одам бу ишни ақл-фаросат билан амалга оширсин; саховат ва карам билан исрофни фарқ қила билсин. Агарда у от чиқариш мақсадида, сохта шуҳрат қозонишни кўзда тутиб, дуру гавҳарларини ҳовучлаб соча берса, бу ақлли иш бўлмайди. Бундай беҳуда исрофгарчиликдан кўра бахиллик яхшироқдир, деб киноя қилади шоир:

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,

Нақд этак бирла мубоҳот учун.

Ақл ҳисобидан эрур бас йироқ,

Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.

Маъноси: От чиқармоқни кўзда тутиб гавҳарларни ҳовуч-ҳовуч ҳар тарафга соча бермоқ, Мубоҳот (мақтанмоқ) учун этак тўла оқчаларни

беҳудага сарф этмоқ ақллиликдан эмас. Бунингдек сохта қўли очиклиликдан бахиллик яхшироқдир.

Навоий дўстлик, ҳамжихатлик, биродарликни бутун кучи билан тинмай ташвиқ этган. Агар кишилар, жамоа (эхтимол бутун давлатлар ҳам) бир-бирлари билан дўстликда яшасалар, улар хазон фаслини ҳам баҳорга айлантириб юборган бўлар эдилар, деб ёзади шоир. Ана шундай гўзал хулосани баён этгач, Навоий душманликни кескин кораловчи фикрларини изҳор этади. У дейдики, ўзларига душманликни шиор қилиб олганлар эса бу кенг оламни ўзлари учун мангуликка тор қилиб юборадилар.

Хайлеки, маваддат ошкор айладилар

Авқот хазонини баҳор айладилар.

Жамъеки, мухосамат шиор айладилар

Кенг дахр ўзига мангу тор айладилар.

Маваддат — дўстлик дегани. Мухосамат эса душманликдир. Демак дўстликни кўрсатиб яхши, хуш дўстона муносабатда булувчилар хазон фурсати келиб боғу роғларда япроқлар қуриб дарахтлар яланғоч бўлган пайтни ҳам гуллаб-яшнаб турган баҳор фаслига айлантириб юборадилар.

Душманлик йўлига ўтиб бир-бирларига қарши турувчилар эса бу кенг ва бепоён дунёни ўзлари учун тор қилиб қўядилар.

Тошкентдаги Катта Миллий боғда Алишер Навоий хайкали ўрнатилган. Хайкал пештоқига Навоий байти зарҳал хатлар билан битиб қўйилган:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлик

Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш

Дўстлашайлик, бир-биримизга ёру буродар булиб

тинч ва тоту яшайлик дўстлар!

Жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий сиёсий кадриятлар алоҳида ўрин тутади. Эркинлик, тенглик, биродарлик инсоният томонидан

хамиша эъзозлаб, кадрланиб келинган. Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шуҳрати ва кадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиясида бу туғрисида шундай сўзлар ёзилган: “Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Республикаимиз барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, конун олдида тенгдирлар. Конститутсияда ёзиб қўйилгандек, Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” .

Ижтимоий сиёсий қадриятлар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик тотувлик алоҳида аҳамият касб этади. Барқарорлик, тинчлик, тотувлик - булар давлатчилигимизнинг янги биниси барпо қилинадиган пойдевордир. Бу бизни эртанги порлоқ, кунимизга олиб борадиган йўлдир. Тинчлик ва барқарорлик — булар халқаро ҳамжамият билан бирлаштирувчи воситадир. “Инсонпарварлик, яхшилик софдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда баҳам кўрган мамлакатгина, халқгина бутун дунё халқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин” .

Юқорида биз қадриятларнинг асосий турларига тўхталиб ўтдик ҳолос. Қадриятлар моҳияти шулар билан чегараланиб қолмайди, албатта. Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Жумладан, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг кадр қиммати ҳақида сўзлаш бемаънилиқдир. Шунинг учун ҳам инсон кадр қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва

маданий савиясини ривожлантириш, соғлиғини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг барчаси кишилар ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Ахлоқий кадриятлар кишиларнинг бир бирларига, ўзлари мансуб жамоага, ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ атвор, одоб, хатти ҳаракат, меъёр, қоида ва тамойиллар мажмуасидир. Ахлоқий тушунчаларга яхшилик ва ёмонлик бурч, виждон, шаън (ор-номус), бахт, адолат, идеал қабилар киради. Инсоннинг оила, жамият, халқ манфаатларини англаб қилаётган ҳар қандай хатти ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ўзбек халқининг буюк алломалари яратган, лекин ҳозирда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кутубхоналарида, музейларида сақланиб келинаётган нодир қўлёзмаларни излаб топиш, илмий таҳлил қилиш соҳасида бу қадар хайрли ишлар қилиш Ўзбеклар ўзининг ақлни лол қолдирадиган ажойиб амалий санъати, юксак бадиий дид ва маҳорат билан ишланган хунармандчилик буюмлари билан қадим замонлардан ҳозиргача дунё халқлари ўртасида шон-шуҳрат қозониб келмоқда. Хунармандчилик бизнинг халқимиз учун авлод аждодлардан сақланиб келаётган мерос, бебаҳо кадриятдир. Ўзбек халқи амалий санъати, хунармандчилиги илдизлари узоқ ўтмишга бориб туташади.

Таълим-тарбиянинг янги, яъни ҳозирги замонда таълим-тарбия соҳасида дунёда эришилган ютуқларга, ахборот коммуникация тизими, педагогик технологияларни жорий этган ҳолда таълимни амалга оширишга, таълим соҳасига янги инновацияларни жорий этиш давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Унинг ютуқларини эса дунё эътироф этмоқда. Масалан,

таълим соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикасини иккинчи ўринни олганлиги ҳам бунга далилдир¹⁹.

Глобаллашув даврида таълим соҳасида дунё фан ютуқлари, технологиялардан фойдаланиш қанчалик зарур бўлса, тарбия соҳаси эса миллий-маданий кадриятларга таянган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Таълимда – дунёвийлик, тарбияда эса миллий маънавий кадриятларни ҳисобга олиш, ўзлигимизни янада бойиб, янгиланиб боришига хизмат қилади. Бу таълимда янги педагогик технологияларни қўллашда ҳам ҳисобга олиниши муҳим, деб ўйлаймиз.

Бугун глобаллашув шароитида талабаларда маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантиришда айрим муаммолар мавжудлигини ҳисобга олиш лозим.

Биринчидан, таълим ва тарбиядаги айрим узилишлар билан боғлиқ объектив ва субъектив ҳолатлар, яъни таълимни тарбиядан ёки тарбияни таълимдан орқада қолиши айрим инсонлар ва ёшлар ҳаётида кузатилади.

Иккинчидан, тарбия жараёнида сўз ва ишнинг бир-биридан фарқ қилиш ҳолатлари мавжуд. Бу қонунга риоя этмаслик, адолат принципларини бузиш, лоқайдлик, инсонлар ҳаётига бефарқ қараш билан боғлиқ кўринишларда намоён бўлади. Бундан ташқари носоғлом маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик, таниш-билишлик ҳолатлари ҳам таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, таълим-тарбия жарёнидаги айрим муаммолар халқимизнинг миллий маданий мероси ва кадриятларини, урф-одат ва анъаналари билан боғлиқ ортиқча моддий ҳаражатларга йўл қўйишлар билан боғлиқ.

¹⁹ Қаранг: Бош мақсадимиз- кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 19.01.2013. <http://gov.uz/uz/press/politics/17061>

Тўртинчидан, ёшларнинг таълим олиш, билим сирларини эгаллаш, бугунги замон талабларига жавоб берадиган касб-хунарга эга бўлиш талабининг айрим ёшларнинг ҳаётида ҳисобга олинмаслик ҳолати сақланиб қолмоқда. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга бўлган интилишнинг етишмаётганлиги ҳолатлари мавжуд.

Бешинчидан, глобаллашув туфайли замонавий интернет тармоқлари орқали турли ҳил сайтларда ёшларнинг ўзаро мулоқотидаги тарбияга зид бўлган носоғлом кўринишдаги муносабатларнинг шаклланаётганлиги тарбиянинг миллий маънавий негизларига тўғри келмайди.

Бунда мана шундай зарарли ва ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшларда мустақил фикр, ва дунёқарашга эга бўлиб, зарарли ғояларни фарқлашлари учун ғояга қарши ғоя билан жавоб бера олиш маданиятини шаклланиб бориши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда таълим тарбия жаарёнида инновацион таълим технолгияларни қўллаш замон талабига айланди. Бу таълим жараёнини ҳозирги фан техника ютуқларидан орқада қолмаслиги учун унинг талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тарбиялашни тақозо этади. Бу ўқитувчилар олдида ҳам янги талабларни қўяди. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, инновацион технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этиши лозим. Бу ундан мустақиллик тафаккурига ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёни таълим-тарбия билан ўзаро муносабатда бўлади, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, мамлакатимизда демократик жамият куриш вазифаларини амалга оширишда таълим-тарбияни тубдан ислоҳ этиш ва уни модернизациялаштириш муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, глобаллашув даврида ўқитувчининг педагогик жараёндаги асосий вазифалари ўзгаради. Уни бошқарувчанлик фаолиятига янги талаблар қўйилади. Бошқариш – бу йўналтириш, вазифа қўйиш, ўрганиш, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашни ҳамда маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш, кузатиш, талаб қилиш, кўрсатма беришлари ўз ичига олади. Таълим-тарбияда донишманд ва мутафаккирларнинг, халқимизнинг миллий маънавий қадриятларига таяниш муҳим аҳамиятига эга.

Тўртинчидан, таълим-тарбия жараёнидаги ўзгаришлар талабалар ёшлар олдига ҳам муҳим вазифа қўяди. Улар излаш, керакли билимларни мустақил қидириб топиш, ахборот тўплаш ва уларни ишлата билишлари билан боғлиқ.

Умуман олганда глобаллашув даврида таълим-тарбия жараёни замон қўяётган талабларга жавоб бериши, ундан орқада қолмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатимизда белгиланган демократик жамият куриш вазифаларини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Таълим соҳасидаги ютуқлар тараққиётнинг калити бўлса, тарбия соҳасидаги ўзига хослик Ўзбекистонни мустақил тараққиёт йўлидан ривожланишини кафолатлаб беради.

Қуйидаги доноларимиз бисотидан келтирилган жумлаларни ахборот соатларида ва бошқа маънавий соатларида, дарс жараёнида фойдаланиш мумкин:

“Ахлоқ илми инсонларни яхши хулқларга чақирув, ёмон хулқлардан қайтармоқ учун яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини баён қиладурган, билдирадурган бир илмдир”.

“Ҳар ким ахлоқ илмини билиб амал қилса, бу дунёда азиз, охирада шарофатлик бўлур”.

“Агар бир кишининг ўзидан, ишидан, сўзидан бошқа кишилар озор топмасалар, яхши хулқ деюлур. Агар озор топадурган булсалар ёмон хулқ деб аталур”²⁰

“Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур”

“Агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка тавсиф бўлиб, «яхши хулқлар», агар тартибсиз ўсиб, ёмон ишлар қиладурғон бўлиб кетса, ёмонликка тавсиф бўлиб, «ёмон хулқлар» деб аталур”²¹

“Ахлоқ тарбияси инсонни ахлоқий баркамолликка этказиш ва унинг башарият жамиятига фойдали инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир...”.

“Болалар сувга ўхшайдилар. Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар ўша муҳитнинг шундай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарти шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон ахлоқни ўз уйларида, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги Талабалардан қабул қиладилар”²².

Ахлоқий тарбия мазмуни асосан қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1. Жамиятга, Ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш. Бу хилдаги муносабатлар шахснинг ватанпарварлиги, фуқаро етуклиги, байналминаллик каби фазилатларда акс этади, унинг мақсадларида Ватан бойликларини кўпайтириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга Қаратилган амалий ишларида намоён бўлади.

²⁰ *Šori Nizomiddin bin mulla Kasan. «Ilmi axloš». T., «YOzuvchi», 1994 y. 3 b.*

²¹ *Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoki axloš. T., 1994 y. 5-b.*

²² *Axatova D. Abdurauf Fitrat. Ёzbek pedagogikasi antologiyasi. Tuzuvchilar: S.Ochil, K.Koshimov. - T., «O'qituvchi», 1999 y, 55 b.*

2. Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш. Бу ахлоқий муносабат шахснинг меҳнат жараёнида намоён бўладиган юксак онгида, меҳнатнинг ҳаётдаги ролини англашида, хусусий ва жамоа меҳнатига тайёрлик, меҳнатсеварликда ифодаланди.

3. Атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат. Шахснинг жамоатчилик, кўпчилик манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўйишидир.

4. Шахснинг ўзига, ўз хулқига ахлоқий муносабатни тарбиялаши - бу Талабани онгли интизом руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Шунингдек, миллат, давлат ёки жамиятнинг миллий тараққиёти унинг замирида яратилган моддий ва маънавий қадриятларнинг уйғунлиги билан белгиланади. Яъни жамият тараққиётини ўзида мужассам этган миллий ғоя билан боғлиқлигини акс этириши лозим:

Биринчидан, миллий маънавий қадриятлар - ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғанок бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омили ҳисобланиши керак;

Иккинчидан, маънавий қадриятлар ва миллий ғоя - жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳасилиги;

Учунчидан, шахс ҳаётида, умуман ижтимоий тараққиётнинг маълум даврларида моддий ва маънавий қадриятлар энг долзарб масала бўлиб, келажакда ҳал қилувчи восита ҳисоблангандир;

Тўртинчидан, миллий моддий ва маънавий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди;

Бешинчидан, халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида келаятган модий ва маънавий қадриятлар узоқ тарихий жараёнда шаклланган она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга хурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлигини ўзида мужассамлаштириди.

Умуман, миллий маънавий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Алоқий тарбияни амалга ошириш усуллари

Талабаларга ахлоқий тарбия беришда хилма-хил усуллар қўлланилади:

- дарс, таълим жараёнида ахлоқий тарбияни қўшиб олиб бориш;
- аҳил, иноқ уюштирилган интизомли жамоа орқали ахлоқий тарбия бериш;
- тўғри режалаштирилган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш орқали;
- гуруҳда ижобий эмоционал шароит яратиш орқали. Масалан, Мустақиллик куни, наврўз байрами;
- Барча Талабаларнинг таълим муассасасидаги умумий ва ягона тартиб қоидага риоя қилдириш орқали;
- Турли тушунтириш, уқтириш, суҳбат, мунозара, рағбатлантириш, жазолаш усулларида фойдаланиш орқали;
- Тарбиявий соатлар, “Ахборот соатлари” савиясини ошириш орқали;
- Меҳнат илғорлари, илм-фан ходимлари, меҳнат фахрийлари, хожилар билан учрашувлар уюштириш орқали;
- Таълим муассасасида турли кечалар, олимпиада, фестиваль, мусобақалар ўтказиш, турли ахлоқий-маърифий теле-радио эшиттиришларидан фойдаланиш;
- Дарс ва тарбиявий тадбирлар жараёнида миллий қадрият ва анъаналаримиз акс этган асарларни ўқиб-ўрганиш орқали.

Ахборот соатларида “Одоб-ахлоқ инсон кўрки” мавзусида қисқа (10 минутлик) мунозара ўтказинг.

Мунозара даврида қатор инсоний сифатларни ҳам кўриб чиқамиз. Энг аввало инсон фазилатларининг ўзаро муносабатларини ва ўрнини аниқлаб олмоғимиз лозим. Инсоннинг маънавияти унинг одоби, хулқи, маданиятидан ташкил топади. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолат даражаси одоб, ахлоқ, маданият, Маънавий элементларининг унда қанчалик мужассамлашганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Мустақил фикрлаш комилликнинг асосий белгисидир. Комиллик уч босқичдан иборат:

1. Жисмоний саломатлик.
2. Ахлоқий поклик.
3. Ақлий этуклик.

Бу босқичларни шакллантиришда мустақил фикрлаш этакчи устувор ўрин эгаллайди. Мустақил фикрлаш сарчашмаси фаҳмлаш, яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Амалиётда (практикада) қўллаш - ҳаётда бир неча бор қўлланган ўзининг ижобий ҳосиласини берган, ишончли муаммолар эчими билан солиштириб, хулоса қилиш сўнг тафаккур савиясига таяниб ягона эчимини танлаш ва ундан амалиётда фойдаланишдир.

Инсон мустақил фикрлаш орқали воқеликни умумлаштириб, билвосита ва бевосита акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусиятлар ҳамда механизмларни англаб этади. Бинобарин инсон муайян қонун, қонуният ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриб туриш имкониятига эгадирлар.

Талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига айниқса биз педагоглар купроқ масъулмиз. Бу вазифани муқаддас билиб, амалий фаолиятимизда ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришда қуйидаги методлар ёрдамида амалга оширилади: Маънавий-ахлоқий тарбия методлари:

“Талабалар онгига таъсир этувчи методлар: хикоя, тушунтириш, маъруза ва семинар ташкил этиш, маънавий-ахлоқий мавзудаги сухбат, ишонтириш,

намуна курсатиш, бахс, мунозара, учрашув, матбуот конференцияси, танловлар ўтказиш. матбуот материаллари, ўқув ва ёр-дамчи адабиётлар билан ишлаш.

Маънавий-ахлокий хулк, бу борадаги ҳаётий тажрибаларни ҳосил қилишга кумаклашувчи методлар-расмий ва ишчанлик уйинлари, мусобақа ва деворий газета, маънавий-ахлокий мавзулардагй журнал, альбом тайёрлаш. ахлокий муаммолий'вазиятларни ҳал этиш ва бошқалар.

Маънавий-ахлокий тарбияни ташкил этишда қуйи воситаларга таяниб иш қуриш самарали натижалар беради: талабаларнинг шахсий ёндошуви. жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари, бадий адабиётлар, намуна курсатиш, кургазмали қуроллар, маънавий-ахлокий муносабатлар жараёни.

Маънавий-ахлокий тарбия тизимида маънавий-ахлокий мавзудаги суҳбатлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундай суҳбатлар мазмун жиҳатидан ранг-баранг булиши мумкин. Маънавий-ахлокий мазмундаги суҳбатларни ўтказишнинг бош вазифаси¹ ижтимоии-ахлокий муносабатлар, турли ходисаларга нисбатан талабаларда муайян муносабатни қарор топтириш, уларнинг мазмунига тугри баҳо беришга ургатишдан иборатдир.

Маънавий-ахлокий суҳбатлар талабаларда ахлокий тасаввур, тушунча, билимларни чуқурлаштирувчи, аниқлаштирувчи, янги маълумотларга оид ахборот (уерувчи ҳамда уларни мустаҳкамловчи восита булиб хизмат қилади.

Маънавий-ахлокий мазмундаги суҳбатлар мавзуси шахс маънавияти-ахлокининг умумий ғоясидан, талабаларнинг тарбияланганлик даражаси, шунингдек, уларнинг кизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланади. Айрим ҳолларда муайян воқеа-ходисалар суҳбат учун мавзу бўлиши мумкин. Суҳбатни олиб борувчи унинг режаси ёки асосий масалаларини ишлаб чиқади, бу ҳақида суҳбат иштирокчиларига олдиндан айтади, айрим масалалар бўйича сўзга чиқувчиларни белгилаб, сўзга чиқишни тайёрлайди.

Сухбат учун тегишли адабиётлар тавсия этилади. Сухбат учун талабалар ҳаёти ва бадиий адабиётларда баён этилган мисоллар асосида далиллар тўпланади.

Сухбат олиб боровчининг кириш сўзи билан бошланади, сухбат иштирокчиларининг мулоҳазалари тингланади. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида сухбат материали тўлдирилади, умумлаштирилади ҳамда яқун ясалади.

Маънавий-ахлокий мазмундаги сухбатлар. “Шахс маънавияти нима ва у қандай шаклланади?”, “Талаба жамоа ўртасида ўзини қандай тутиши керак?”, “Жамоа транспортдан фойдаланиш коидалари”, “Она-табиатни омон саклаш бизнинг бурчимиз”, “Ватан-муқаддас гўша”, “Фарзанд-камолли, Ватан-жамоли”, “Она-муътабар зот”, “Нон-табиатнинг бебаҳо неъматли”, “Мардлар қўриқлайди, Ватанни” ва хоказо каби мавзуларда ташкил этилиши мумкин.

Маънавий-ахлокий сухбатлар жараёнида ибратли хикоят. ривоятларни жамоа иштирокида амалга ошириш ёки маълум мавзуга доир театрлаштирилган кўринишларни намойиш этиш таъсир кучини янада оширади.

Сухбат хайрихоҳлик ва ижобий эмоционал вазиятда ўтказилиши керак. Сухбатни олиб боровчи талабаларнинг жавобларини диққат билан тинглаши, мақул бўлган жавобларни рағбатлантириб бориши, номакбул жавобларни эса одоб доирасида тузатиши лозим.

Талабалар маънавий-ахлокий камолотини таъминлашда мунозаралар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маънавий-ахлокий мавзулардаги мунозаралар талабаларда муайян ҳолат, ходисаларга нисбатан тўғри баҳо беришга, бу борада фикр юритишга ўргатиш ҳамда эътиқодни шакллантиришга хизмат килади.

Мунозара ўй-фикрларни тартибга солади, талабаларни мустақил фикрлашга, баҳс юритишни ташкил этишга, ўртоғини тинглашга, ўз фикрини

илгари суриш ва уни образли тарзда химоя килишга, айна чоғида ўз хатоларини тан олишга ўргатади.

Мунозара учун гуруҳ фаоллари билан ҳамкорликда 5-6 та масала ишлаб чиқилади. Иштирокчиларга олдиндан маълум килинади. Мунозара жараёнида сўзни ёрқин, жонли бўлиши талаб этилади. Тайёр матнни ўқиб беришга йўл қўйилмайди. Мунозара якунида фикрлар умумлаштирилади, тузатишлар киритилади, якунланади. Аудиторияни билиш, гуруҳ фаоллари билан иш олиб бориш, мунозарага мутахассисларни таклиф этиш мунозаранинг муваффақияти ва тарбиявий таъсирини таъминлайди. Мунозара аниқ ва сўнгги ечимни талаб қилмайди.

Ишонтириш тарбия методи-талабалар маънавий-ахлокий дунёқарашини шакллантиришдаги асосий методларидан бири ҳисобланади. Ишонтириш методида тарбиячи талабалар онгига, рухига, ориятига, иродасига таъсир этиш йўли билан уларнинг характеридаги ахлокий интеллектуал ва бошқа ижобий хислатларини шакллантиради, иллатларни камайтиради. Салбий хислатлардан саклайди. Ишонтириш шаклланаётган шахсга умуминсоний қадриятларга, миллий удум ва анъаналарга, фалсафий дунёқарашга асосланиб, миллий истиқлол мафкурамизни асл моҳиятини чуқур тушунтиришга таянадиган метод ҳисобланади.

Ижобий шахсий намуна -талабалар шахсини шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллаши мумкин бўлган метод бўлиб, у шахсга шахс орқали таъсир этишнинг энг объектив йули ҳисобланади.

Ёшлар то балоғат ёшига'етиб, мустақил ҳаётни бошлагунлари кадар кўпчилик шароитларда билиш, ўрганиш жараёнида асосан ўқитувчи-тарбиячига, ота-онага, дoston, драма ёки адабий асарлар кахрамонларига таклид килишади.

Талабалар ўзлари ёктирадиган одамга таклид килиш натижасида ўзларини мағрур тутадилар, хатти-харакатлари худди катталарникидай

туюлади. Я.Н.Коменскийнинг фикрича "Бола ўқишни ўрганишдан олдин таклид қилишни ўрганади".

Таклид қилиш орқали ёшларнинг ўз тажрибаси кўшилиб кетиб уларда янги шахсий хислатлар пайдо бўла бошлайди. Иккинчи томондан ёшлар етуклаша бориши билан таклид қилиш жараёни ҳам ўзгара боради. энди таклид қилинаётган хислатлар танланади.

Умуман, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи одоби, аъло ўқийдиган талабаларни бошқаларга намуна қилиб курсатиши орқали ҳам синф талабаларининг тарбиясига ижобий таъсир курсатиш мумкип. Бирок, намуна қилиб курсатувчи талабани шахсини хаддан зиёд мактамаслик ва узгаларнинг шахсиятига тегмасликка алохида эътибор бериш лозим.

Интизомлиликни шакллантиришнинг классик методларидан бири рағбатлантириш ва жазолаш методи ҳисобланади.

Рағбатлантириш ва жазолаш методида талаба шахси эмас, балки айни вақтдаги хатти-харакати, қилиқлари, талабанинг индивидуал хусусияти, ходиса юз бераётган вазият, сабаб-оқибатлар назарда тутилади. Рағбатлантириш ва жазолар ёлғиз талабага ёки синфга ёхуд мактаб жамоасига қулланиши мумкип. Бирок, рағбатлантиришни ҳам жазолашни ҳам, хоҳ, алохида шахсга бўлсин, хоҳ, жамоага тез-тез ва такрорий берилса уз тарбия қучини йўқотади.

Талабаларнинг маънавий – аҳоқий сифатларни шакллантириш ишларнинг мазмуни ўқув жараёни ва дарсдан ташқари ўтказиладиган маънавий – маърифий тадбирларни қамраб олди. Университетда ҳар ҳафтада ўтказиладиган ахборот соатлари талабалар онгида маънавияни шакллантириш мумкин. Ахборот соатларида гуруҳ мураббийлари танлаган таълимнинг замонавий шакллари жумладан, “Баҳс – мунозара”, “ВЕНН-диогаммаси”, “Кластер”, “Инсерт” ва бошқа усуллар самара беради. Масалан, Маънавияни шакллантирадиган асосий омилларни кўрсатинг?- деган саволга талабалар “ВЕНН- диогаммаси”, “Кластер”, асосида жавоблар бериши

аниқланаган. Жумладан, ВЕНН- диогаммаси график органайзер талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Жумладан, ахборот соатларида “Маънавий таҳдид” мавзусини ўтишда “ВЕНН- диограммаси”дан фойдаланиш мумкин. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”²³.

Маънавий таҳдид:

- аввало, инсоннинг эркинлигига дахл қилади, уни фикрий қарам қилишни кўзлайди;
 - иккинчидан, инсоннинг рухий дунёсини издан чиқаришга йўналтирилган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружлар шаклида амалга оширилади;
 - учинчидан, турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остига яширилади;
 - тўртинчидан, катта маънавий йўқотишларга олиб келади, халқларнинг миллий ва диний томирларига болта уради;
 - бешинчидан, бегона ғоя ва зарарли дунёқарашни аввало беғубор ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилади;
 - олтинчидан, мамлакат хавфсизлиги ва миллий манфаатларига таҳдид солади, жамиятни инкирозга олиб келади;
- ва ниҳоят, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари хаётига дахлдор масала саналади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:

²³ Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» Т.: “Маънавият” 2008 й. 9 б.





График организатор талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан ахборот соатларида “Маънавий таҳдид” мавзусини ўтишда фойдаланиш самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:



Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмуни, аввало, талабаларнинг амалий фаолиятларида, ўқиш, меҳнат, жамоатчилик ишларида, уларнинг муносабатлари характерида, ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиришларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг кўринишлари, унинг қирралари ва намоён бўлиш шакллари хилма-хилдир. Инсонпарварлик, халоллик, ташаббускорлик, эрксеварлик, фаоллик, ижодкорлик, покликва шу каби

қатор муҳим тушунчалар ахлоқий маданиятлилилик кўринишларидир. Бу хислатлар фаолият жараёнида маънавий маданиятнинг бошқа маданият кирралари билан биргаликда талаба онги ва хулқиға таъсир этади.

Маънавият ва маданият бир-бирига яқин тушунчалар бўлса-да, улар бир-биридан фарқ қилади. Аммо улар бир-бирини тўлдириб туради.

Кишилиқ жамиятида ишлаб чиқаришининг икки асосий тури – моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга – моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият деганда ишлаб чиқариш жараёнида инсон томонидан яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча моддий бойлиқларни англаймиз. Моддий маданиятнинг ўзи бир қатор турларга: ишлаб чиқариш ва техника маданияти, деҳқончилик маданияти, меҳнатни ташкил этиш маданияти, муҳандислик маданияти, пазандачилиқ маданияти ва бошқаларга бўлинади.

Маданиятнинг иккинчи тури – бу маънавий маданиятдир. Унга инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолияти натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳият олами дир.

Маданият – умуминсоний ҳодиса, у барчага баробар. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчага тегишли.

Англаш - бирор бир ғояни (фикрни) туб мазмунига тушуниб этиш.

Ахлоқ - жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ - одоб нормалари мажмуи.

Маданият - жамият ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият - инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Одоб - ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳамда юриш - туришида ўзини тута билишидир.

Сифат алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи категориядир.

Тафаккур - инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётга қўллаш.

Фикр - инсон фаолияти унинг ўзлигини куч - қудратини ўзагини ташкил қилувчи маънавий- инсоний сифатдир.

Фазилат - алоҳида шахс, эл, элат, халқ улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифат мажмуи.

Талабалар маънавиятни шакллантиришда жараёнида ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлик жихатларига эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясига тизимли ёндашув лозим. Бунда маънавий ва маърифий таъсирлар, ахлоқ категориялари ҳамда муносабатлар каби қисм тизимларнинг ўзаро алоқадорлигига ҳам эътиборни кучайтириш лозим.

Ахлоқий тарбияда тарбияланувчига таъсир кўрсатадиган муҳитни (оила, ўртоқлар ва дўстлар, жамоа мухити) ҳам ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Бўлажак мутахассисларни ахлоқий жихатдан тарбиялаш жараёнида кишилар ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ахлоқ - бу аввало инсоф, адолат, маънавият туйғуси, халоллик деган. Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим”.²⁴


Талабалар онгида маънавиятни шакллантиришда миллий мафкура муҳим ўрин тутди. Миллий мафкуранинг бош ғояси ҳам озод ва обод Ватан, эркин ва фаровонхаёт барпо этишдир. Чунки Ватан меҳрини

²⁴ Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Тошкент, 1994. 57-бет

йўқотган шахс оёғи остидаги заминни йўқотади, гўёки таянчсиз муаллақ холатда қолади. Ватанга мухаббат, аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан бахрамандлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялайди.

Бугунги кунда таълим муассасаларида таълим олаётган талаба ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаб, мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан қуроллантиришга муҳим педагогик жараён сифатида қаралмоқда. Бунда нафақат ижтимоий-сиёсий, махсус фанлар, балки педагогика туркумидаги фанларнинг ҳам имкониятлари катта. Мазкур фанларни ўқитиш ва дарсдан ташқари олиб бориладиган тадбирлар талабаларни маънавий шакллантиришга қаратилган таълим- тарбия ўртасидаги узвий алоқанинг ўрнатилишига эришиш, ҳамда маънавий-мафкуравий тарбия самарадорлигини таъминлашга яқиндан ёрдам беради.

Талабаларнинг муайян даражада ҳаётий тажрибаларга эгаликлари, ташкилотчилик қобилиятлари, маънавий билимлари, таянч педагогик – психологик билимлари, таълим жараёни, дарсдан ташқари ўтказилган маънавий – маърифий тадбирлар ва жамиятда маънавият- маърифат, маданиятни шакллантиришда асосий омил бўлиши асосланди.



Талабаларда таркиб топтириладиган ижобий муносабатларни қўйидагича тизимлаштириб, муносабатлар иерархияси хосил қилинди:

1.Талабаларнинг Ватанга бўлган муносабатлари: туғилиб-ўсган юртига бўлган ижобий муносабати; она замин табиатига бўлган тўғри муносабати; Ватан тараққиёти босқичларига бўлган муносабати; халқига бўлган муносабати; она тилига бўлган муносабати; турмуш тарзига бўлган муносабати; маданиятига бўлган муносабат; кадриятларга бўлган муносабат ва шу кабилар.

2.Талабаларнинг оилага бўлган муносабатлари: ота-онага бўлган муносабати; ака-укага бўлган муносабати; эр-хотиннинг ўзаро муносабати; фарзандга муносабати; талабаларда қариндошларга бўлган муносабати; оилавий урф-одатлар ва анъаналарга бўлган муносабат; оилавий кадриятларга муносабат ва шу кабилар.

3.Талабанинг жамиятга бўлган муносабатлари: ишлаб чиқаришга муносабат; оилавий муносабатлар; сиёсий муносабатлар; ҳуқуқий муносабатлар; ахлоқий муносабатлар; диний муносабатлар; эстетик муносабатлар ваҳоказо.

4.Талабаларнинг ўқув масканига бўлган муносабатлари: ўтиладиган фанларга муносабат; амалдаги ўқув режасига муносабат; дарс сифатига муносабат; ўқитувчи шахсига муносабат; мараббийга муносабат; «Устоз-шогирд» тизимига муносабат ваҳоказо.

5. Талабаларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари: биргаликда дарс фаолиятига муносабат; ўз муваффақиятларини ўртоқлари билан баҳам кўриш; ўз гуруҳдошларига содиқ қолиш; ижтимоий фойдали ва онгли меҳнатга муносабат; иқтидори бўйича гуруҳда ўз ўрнига эга бўлишга интилиш; ўртоқларига меҳр-оқибат кўрсатиш; сўзида тура билиш; тенгдошларининг хато-камчиликларини тузатиш ва шу кабилар.

Маънавиятнинг қўйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Маданий-маърифий юксаклик
- Ижтимоий-дидактик тараққиёт
- Фалсафий-педагогик ўсиш
- Иймон-этикоднинг бутунлиги
- Миллий ахлоқ-одоб меъёрларига тўла риоя қилиш
- Илм-маърифатли бўлиш
- Инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик
- Миллий қадриятларга муҳаббат
- Фидойилик, мардлик, жасурлик, ташаббускорлик
- Ватан мустақиллигини доимий ҳимоя қилиш
- Аждодлар меросига чуқур ҳурмат ва ҳ.к.

Маънавий мерос эса, умуман меъроснинг, хусусан маданий меъроснинг таркибий қисми саналади. Маълумки, ҳар бир жамият ва давр маданият типига эга бўлади. Жамият, давр ўзгариши билан унинг маданият типини ва маънавиятида ўзгариш, янгиланиш содир бўлади, аммо маданий тарққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият, цивилизация йўқ бўлиб кетмайди, балки маданий меърос сифатида сақланиб қолади.

Мерос – инсоният тараққиётининг ҳар бир тарихий босқичида яшаган авлодлар томонидан яратилган ва кейинги авлодларга етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир.

Маданий меърос деганда – ўтмиш авлодлардан кейинги авлодларга ворисийлик асосида қодирилган, макон ва замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий қадриятлар, бойликлар мажмуи тушунилади.

Маънавий мерос деганда – узоқ ва яқин ўтмишдаги ҳамда ҳозирги даврдаги, маънавий жиҳатдан ғоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, ижтимоий манфаат ва маънавий эҳтиёжга, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликлар тушунилади.

Маънавий меърос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб, унга илм-фан, адабиёт, санъат, ахлоқ, диний ва дунёвий таълимотлар, хурфикрлик ва бошқалар киради.

Маънавий меърос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди. Балки сифат жиҳатидан янги аҳамият касб этади. Маънавий меърос кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди.

Манавий мерос бирор халқ, миллат, унинг вакиллари томонидан яратилиб, сўнгра умуминсоният маънавий бойлигига, меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш аجدодлари қолдирган маънавий меъроси бунга мисол бўла олади. Ўрта Осиё халқлари маънавий меърос жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. И.Каримов қайд этганидек, “Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрномия, меморчилик, дехқончиликка оид 10 минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...”.

Олий таълим муассасаларида талабаларда маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг асосий шакллари қуйидагича:



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллат, давлат ёки жамиятнинг миллий тараққиёти унинг замирида яратилган моддий ва маънавий қадриятларнинг уйғунлиги билан белгиланади. Яъни жамият тараққиётини ўзида мужассам этган миллий ғоя билан боғлиқлигини акс этириши лозим:

Биринчидан, миллий маънавий қадриятлар - ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғанок бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омили ҳисобланиши керак;

Иккинчидан, маънавий қадриятлар ва миллий ғоя - жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳасилиги;

Учунчидан, шахс ҳаётида, умуман ижтимоий тараққиётнинг маълум даврларида моддий ва маънавий қадриятлар энг долзарб масала бўлиб, келажакда ҳал қилувчи восита ҳисоблангандир;

Тўртинчидан, миллий моддий ва маънавий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди;

Бешинчидан, халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида келаётган модий ва маънавий қадриятлар узок тарихий жараёнда шаклланган она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга хурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлигини ўзида мужассамлаштириди.

Умуман, миллий маънавий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Талаба – ёшлар ўз фаолиятини ташкил этишда ҳал этмоқчи бўлган кўп киррали мақсад ва вазифаларни ҳамда пировард натижасини кўз олдига келтира олиши, эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил эта билиши лозим. Бунинг учун ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш, баҳолаш меъёрларини эгаллаб олиши талаб этилади.

Талабаларнинг маънавий – ахлокий тарбияланганлиги меҳнат фаолияти билан боғлиқдир. Талабаларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш ҳар доим ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришнинг долзарб мақсад ва вазифаси бўлиб келган. Бунинг учун уларга қуйидагиларни тавсия этамиз: меҳнат фаолиятига тайёргарлик меъёрларини; меҳнатга тайёрлаш элементлари (сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш; меҳнат мазмунининг ўзгариши; касб-ҳунарга йуллаш; меҳнат натижаларини кўпайтириш иродавий зур бериб, ақлни ишлатиб меҳнат қилиш, меҳнатда намуна кўрсатиш) мазмунан ўзгариши, шахсни жадал меҳнат қилишга бозор иқтисодиёти, рақобат шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш; меҳнат натижасини олдиндан кўра билиш; ташуббус, ғайрат билан меҳнат қила олиш; иш жойи учун курашиш, меҳнат интизомига риоя этиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини таркиб топтириш.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида талабаларнинг маънавий – ахлокий сифатларини шакллантиришда қуйидагиларни ҳисобга олишлари лозим:

- а) ижтимоий фаоллик, мулкка нисбатан онгли муносабатда бўлиш;
- б) жтимоий фойдали фаолиятда қатнашиш ва ҳоказолар.
- в) шахсни меҳнат натижасидан манфааткорлиги;
- г) табиатга, меҳнат хом-ашёларига нисбатан тежамкор бўлиш, тадбиркорлик фаолияти муносабатлари;
- д) талабалар онгида янгича муносабатларни: рақобатбардошлик муносабатлари, бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта тадбиркорликни

ривожлантириш, талабаларда тадбиркорлик кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

Талабаларнинг маънавий – ахлокий сифатларини шакллантиришда кўйидаги омиллар муҳимдир: янгича маънавий-ахлокий тажрибаларни таркиб топтириш; миллий ва умумбашарий қадриятларни таркиб топтиришда ўзаро мутаносибликни вужудга келтириш; мамлакатимизда таркиб топаётган демократик тамойилларни ҳисобга олган ҳолда шахс эркинлиги, масъулият, ташаббускорлигини тарбиялаш; миллий қадриятларни намуна қилиб кўрсатиш; ёшлар ўртасида ўзи бўларчилик, итоатгуйлик, боқимандалик, гиёҳвандлик, ичкиликбозликка интилиш каби салбий ахлокий тажрибаларни эгаллаб олишларини олдини олиш; табиатга, меҳнат хом-ашёларига нисбатан тежамкор бўлиш, тадбиркорлик фаолияти муносабатларини шакллантириш; таббий бойликлар ва моддий неъматларни кўз қорачиғидек авайлаб – асраш ва улардан унумли фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Талабаларнинг маънавий – ахлокий сифатларини шакллантиришда шахснинг истиқболдаги фаолияти, шахснинг интеллектуал ва жисмоний қобилиятларини ўстириш, юқори савиядаги ижтимоий-сиёсий, маънавий фаоллик, иродавийликни шакллантириш муҳим ўрин тутди.

Талабаларнинг маънавий – ахлокий сифатларини шакллантиришда шакллантиришда талаба-ёшларни жамиятимизда мавжуд таҳдид солувчи ғояларга қарши курашиш руҳида тарбиялаш йўллари ва воситалари ҳам муҳим ўрин тутди.

Бугун барча олимлар, ижтимоий фан ўқувчилари ва зиёлиларининг олдида турган энг долзарб вазифа бу — Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегисини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсадларини, миллий мафқуранинг моҳиятини кенг жамотчиликка ҳар томонлама тушунтиришдан иборатдир.

Маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини кучайтириш, яъни ўтказиладиган тадбирларнинг таълимий тарбиявий

таъсирларини уйғинлаштириш, узлуксизлигини таъминлаш,тадбирларнинг мақсад ва вазифаларини давр талаблари асосида белгиланишини йўлга қўйиш, уни амалга оширишнинг шакл, метод ,воситаларини аниқ белгилаш, бошқача айтганда тадбирга технологик ёндашиш ўтказиладиган тадбирларни педагогик қоидалар, қонунятларга пўйсундирилишини йўлга қўйиш,яъни тадбирнинг мақсадга йўналганлиги, иштирокчиларнинг ижодкорлик, мустақиллигини йўлга қўйиб ўйин, романтика,суъбъективлик ва ташаббускорликни рағбатлантириш каби принципга таяниш.

Маънавий-маърифий ишларнинг дарс машғулотларининг давоми сифатида ташкил қилиб,унинг йўналишини ўқув вазифаларини бажаришга бўйсиндириш узвийлигини таъминлаш ва педагогик раҳбарликни амалга ошириш лозим.

Мазкур имий-педагогик, ташкилий-методик ишлар тизимида қуйидагиларга таяниш мақсадга мувофиқ

-Олий ўқув юртларида аудоториядан ташқари маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил этишда “Таълим тўғрисида”ги қонун,”кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “давлат таълим стандартлари”талабларидан келиб чиқиш;

-маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини талабалар онгида шакиллантиришда талаба шахсини олий ижтимоий қадрият деб билиш;

-ҳар бир талабанинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш ва ахлоқий –ҳуқуқий хусусиятларини эътиборга олиш;

-миллий анъана, қадрият ва урф-одатларга таяниш;

-талабаларнинг қизиқиш, хохиш ва имкониятлари мутаносиблигини қарор топтириш;

-профессор-ўқитувчилар,мураббийлар ва талабалар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини ижтимоий-ахлоқий қўллаб-қувватлаш муносабатларини шакиллантириш лозим,

Шунинг учун олий ўқув юртларининг факультет, гуруҳ талабалари билан ташкил этилган маънавий-маърифий тарбия ишлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин.

- А) фан-маданият тўғараклари,
- Б) маънавий соатлари ва маънавий кунлари,
- В) миллий ҳунармандчилик ва техник ижодкорлик тўғараклари ,
- Г) спорт ва оммавий жисмоний маданият тадбирлари,
- Д) давра суҳбатлари,экскурсия,матбуот анжуманлари,
- Ж) турли танловлар,заковат клублари ва бошқалар ҳаётидаги тарбиявий воқеаларни тўлдиришга,дунёқарашларнинг такомиллашувига,назарий билимларнинг амалиёт,ишлаб чиқариш билан узвий боғлашга замин яратиши қуйидаги масалаларни.

-талаба-ёшларда маънавий – ахлокий сифатларини шакллантиришда халқ педагогикасининг мазмунида ўрин олган халқ оғзаки ижоди,халқ ўйинлари, қўшиқлари, миллий урф-одатлар, қадриятлар, маросимлар, диний таълимот намуналари, халқ меъморчилиги, ҳунарманчилиги, шарқ мутафаккирлари асарларини маънавий соатлари,ва маънавий кунларида мукамал ўрганиш ишларини амалга ошириш.

-ўқув-тарбия жараёнини,маънавий-маърифий тарбия ишлари билан уйғинлаштириш орқали талабалар жамоаларида онгли интизом, соғлом руҳий-маданий муҳит,илмий-ижодий вазиятни яратиш,талабаларда бурч ва маъсулиятга садоқатни тарбиялаш ҳамда улар фаолиятига илмий-маданий педагогик раҳбарликни амалга ошириш.

- талабаларда олийгоҳнинг ички тартиб-интизомга маъсулият билан риоя этишни кучайтириш,олий мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида кўрсатиб ўтилган фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устивор йўналишидаги масалаларни ҳал этиш жараёнига талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш.

- олий ўқув юртида тузилган маънавият ва маърифат марказининг факультетлардаги бўлимлари, турли йўналишда ташкил этилган клублар, тўғараклар билан ҳамкорликда талабаларни ўз-ўзини бошқариш ишларини амалга ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказиши ва ҳар бир талабалар гуриҳи жамоасида ўз-ўзига хизматни таркиб топтиришга маъсулиятини оширишни ҳал этишга қаратилади.

Маълумки, талаба тарбияси узлуксиз таълим даврий босқичларнинг якуни ҳисобланади Шунинг учун олийгоҳ маънавий-маърифий тарбия ишларининг йўналишини талаба ёшларнинг мафкуравий, ғоявий-ахлоқий, маънавий-рухий дунёқарашини шакиллантиришга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бугунги талаба, бу эртанги муҳандис, врач ва зиёлидир. Агар мутахассис қанчалик ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатидан чиниқиб, ижодий ва ижобий меҳнат қонун-қоидалари асосида яшашга ўрганса унда шунча мамлакатда оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ислохотларга фаол иштирок этувчи, унинг ривожланишига ҳисса қўшувчи шахс бўлади.

Мазкур тадбирлар фан ўқитувчилари билан гуруҳ мураббийлари ўртасида алоқадорлик бўлмаганлиги сабабли, талабалар дарс машғулотлари жараёнида ўзлаштирган маълумотларини маънавий-маърифий тадбирларнинг тарбиявий таъсирчанлигига эътибор қаратилмайди, унинг натижалари инобатга олинмайди.

Таълим муассасаларда ўтказилаётган тадбирлар юқоридан келган кўрсатма, тавсиялар асосида олиб борилади. Ҳар доим ҳам талабаларда ташаббускорлик, мустақиллик кўзга ташланмайди. Баъзи ҳолларда гуруҳ раҳбарларининг маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил қилиш бўйича педагогик психологик ва методик маълумотлар етишмаслиги натижасида маънавий-маърифий тарбия ишларининг замонавий педагогик технологияларини қўллай олмайдилар.

Маънавий-маърифий тадбир натижаларини қайд қилувчи, ҳисобини олиб боровчи, дафтар гуруҳ раҳбарларида йўқ. Талабаларнинг тарбияланганлик даражалари деярли ўрганилмайди. Оқибатда аудиториядан ташқари ташкил этиб, ўтказилаётган тадбирларнинг тарбиявий таъсири суст, аудитория машғулотлари билан тадбирлар ўртасида мутаносиблик кўзга ташланмайди. Ҳолубки таълим ислохотлари ҳужжатларининг талабларига кўра кўра, таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий тарбия ишлари талаба ёшларнинг ўқув машғулотларида ўзлаштирган билимларини чуқурлаштиришга, уларнинг амалий йўналишларини кучайтиришга, талабаларнинг бўш вақтини мароқли, қувноқ, мазмунли ўтказиб, уларнинг дунёқарашини шахсий фазилатларини шакиллантиришга, талабаларнинг мустақиллиги, фаоллиги, ижодий тафаккурини ўстиришга ёрдам бериши даркор. Аммо, бунинг учун мураббийлар тайёрлаш ва уларнинг умумпедагогик, умумметодик, умумкасбий таёргарликларини юксалтириш борасидаги ишларни талаб даражасида кўтариш ташкилий-педагогик тавсиялар, кўрсатмалар, йўлланмалар яратиш зарур. Гуруҳларда раҳбарлик қилаётганларнинг кўпчиликлари, фан бўйича мутахасис ҳисобланиб, улар педагогик-психологик маълумотлардан йироқ ҳисобланадилар.

Олий таълим муассасасининг “Ёшлар харакати”, Касаба уюшмаси, Хотин-қизлар кумитаси, техник ижодкорлик уюшмаси, турли клублар, тугараклар, устоз - шогирд кенгаши, гуруҳ мураббийлари кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириш.

ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Ижодий тафаккур	тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури	Creative thinking -a type of thinking that expresses the organization of creative work and predicts its results
Ижодкор шахс	ижодий жараённи муваффақиятли амалга ошира оладиган ҳамда аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс	Creative personality -an individual who successfully carries out a creative process and possesses certain creative result
Ижодкор шахсни шакллантириш	касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ҳамда ривожлантириш.	Training a creative personality -formation and development of an individual's skills on producing creative ideas based on the experience of professional and creative activity
Ижодий қобилият	ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини баҳолашда намоён бўладиган индивидуал хусусияти	Creative ability- an individual peculiarity demonstrated in assessing creative activity and its effectiveness
Қобилият	одам психикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида акс этади.	Possession- of the qualities required to do something; necessary skill, competence, or power
Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш	шахсининг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантириши.	Creative selfactivation- development and absolute demonstration of abilities in individual's creative activity
Саводхонлик	муайян соҳа бўйича билимга эгалик	have special knowledge in the field of the industry
Мантиқий	педагогик билим ва	educational skills and

изчиллик	тушунчаларнинг узвий боғланган тадрижий тизими	concepts are closely connected from evolutionary system
Идрок	ўқувчи ва талабанинг билиш, тушуниш қобилияти, зеҳни, фаҳм-фаросати	school students and students, ability to understand beliefs, abilities to think.
Ижод	ўқувчи ва талабанинг яратувчилиги, кашфиёти	Opening of creators of school students and student
Ижодий изланиш методи	педагог бошчилигида қўйилган муаммо ва масалаларни ечиш йўллари фаол излашни ташкил этишга хизмат қиладиган методлар	Teachers have given a way to the solution of problems and questions which serve creation of active search of methods
Машқ	Машқ бирор фаолиятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни кўп марта такрорлаш	For improvement of quality of any activity or development it is good to repeat it many times
Маълумот	шахснинг ўқиш, ўрганиш натижасида ўзлаштирган билим, кўникмалари ҳажми, йўналиши ва даражаси	reading, training, knowledge, skills, size, direction and speed
Метод	таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, усуллар мажмуи.	Practical and theoretical knowledge in educational process, development, teaching, training, service instructions, a set of methods

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2012 йил 24 июль, ПФ-4456-сонли)
3. ЎзРес Вазирлар Маҳкамасининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2012 йил 28 декабрь, 365-сонли)
4. Таълим фаолиятини артибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Т.: ЎзРес Адлия вазирлиги, 2007 й., 776-б.
5. Каримов И. Асарлар тўплами. 1-20 жилдлар. Т. Ўзбекистон. 1996-2012.
6. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 429-б.
7. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.”Маънавият”, 2008, 173-б.
8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 140-б.
9. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ». -Т., 1994 й;
10. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. Т., «Адолат», 1995 й;
Педагогика.Ўқувқўлланма. А.Мунавваров таҳрири остида, -Т.,1996й 139-145 бетлар.

Электрон таълим ресурслари

1. www.pedagog.uz
2. www.Ziyonet.uz